

Бош илмий-методик
марказ

2021

Ўқув-услубий мажмуа

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
СТРАТЕГИК ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“Таълим тизими менежменти” ва “Таълим сифати
менежменти” йўналиши учун**

**“ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СТРАТЕГИК
ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: **А.Х.Холов** – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Такризчилар: **А.Э.Юлдашев** - тарих фанлари доктори, профессор
А.Т.Умаров – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Ўқув -услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декабрдаги 5/4-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	188
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	233
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	69
V. ГЛОССАРИЙ	85
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	90

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш”, “барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари, очик ва фақат очик бўлишини таъминлаш” каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775сон Қарори¹ ва унинг иловаси билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси»га мувофиқ, Жамоатчилик кенгашининг (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим². Дарҳақиқат жамоатчилик кенгашлари давлат органининг нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан боғлаб турадиган ҳалқа ролини бажариши ҳамда такомиллашиб бориши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, жамоатчиликка ахборот тақдим этишнинг тезкор ва замонавий шакллари жорий этилиши, малака ошириш, илмий-тадқиқот ишларини тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш, назорат-мониторинг, ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимга

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775сон Қарори

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/documents/o`zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

тайинлаш, олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ва тизимдаги бошқа жараёнларда шаффофликни таъминланиши, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларининг оптималлаштириш, касбий фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида олий таълим тизими ходимларининг меҳнат унумдорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Стратегик режалаштириш ягона усуллар асосида келажакдаги муаммо ва имкониятларни расмий истиқболни белгилашдан иборат ва у ОТМлар раҳбар кадрларини узоқ муддатли режаларни тайёрлашга йўналтирилган. Стратегик режалаштиришнинг хусусиятлари биринчидан, миллий режа элементларни ягона стратегик яхлит тарзда қарайди. Иккинчидан, стратегик режалаштириш узоқ муддатли келажакка қаратилган. Учинчидан, ОТМларни келажакдаги муваффақиятли ривожланишини белгилайди.

Олий таълим тизимида стратегик қарорлар қабул қилиш олий таълимнинг стратегик мақсадларин амалга оширишга қартилган дастурларни ишлаб чиқишда ишлатилади. Улар узоқ муддатга, одатда бир неча йилга ҳисобланади ва стратегик маслаларни ҳал этилишиди ишлатилади, шунинг учун уни истиқбол режаси деб атайдилар.

Глобал пандемия шароитида стратегик қарорлар ОТМлар фаолиятидаги янгича ёндашувлар, кескин бурилишларни силлиқ ўтишини таъминлайди. Стратегик қарорлар ОТМлардаги янги манбаалар ҳисобига бутун иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишга ёрдам беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларида стратегик қарорлар қабул қилиш кўникмаси ва малаксини шакллантириш, уларда ОТМларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш меҳнаизмларига доир билимларини кенгайтиришдан иборат. Шунингдек, Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари амалга ошириш тўғрисида кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

Модулнинг вазифалари:

- Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари мазмун-моҳиятини тушунтириш;
- Олий таълимда стратегик қарорлар қабул қилиш усулларини таҳлил қилиш;
- Глобал пандемия шароитида оптимал қарорлар қабул қилиш амалда қўллаш кўникмаси ва малакаларини шакллантириш;
- Ноаниқлик шароитида стратегик қарорлар қабул қилиш ва ижросини

таъминлаш компетенцияларини шакллантириш;

- Олий таълим муассасаларида жамоатчилик назоратининг замонавий механизмларини жорий этишга доир билми ва малакаларни шакллантириш;

- Глобал пандемия шароитида ОТМларда жамоатчилик назоратини амалга оширишга инновацияларни жорий этиш масалаларини таҳлил этиш.;

- тингловчиларга ОТМларда стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш (foresight) ҳақида маълумотлар бериш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълим тизимида стратегик қарорлар қабул қилиш ва жамоатчилик назорати” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

ТИНГЛОВЧИ:

- бошқарувда тизимли таҳлил услубларидан фойдаланилган ҳолда стратегик қарор қабул қилишни амалда қўллаш;

- ОТМларда стратегик режалаштиришни мақсади, вазифалари ва мазмун-моҳиятини англаши;

- Стратегик қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатадиган омиллар таъсирини билиш;

- Стратегик режалаштириш, қарор турлари ва қарорни бажаришга қўйиладиган талабларни билиш;

- ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари;

- ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш механизмлари ҳақидаги **билимларга эга бўлиши**;

- Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил қилиш;

- Ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш;

- Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини таҳлили қила олиш;

- ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятида инновацион технологияларни жорий этиш;

- ОТМларда стратегик қарорлар қабул қилишда рискларни баҳолаш бўйича **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

- Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси асосида ОТМ\факультет\кафедрани ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида стратегик қарорлар қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 3775-сон қарорига мувофиқ ОТМларда жамоатчилик назоратини ташкил этиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар:

“Олий таълим тизимида стратегик қарорлар қабул қилиш ва жамоатчилик назорати” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги:

“Олий таълим тизимида стратегик қарорлар қабул қилиш ва жамоатчилик назорати” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Таълим бошқарувида тизимли таҳлил”, “Олий таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялар” ва “Молиявий ўз-ўзини таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш” каби модуллар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни:

“Олий таълим тизимида стратегик қарорлар қабул қилиш ва жамоатчилик назорати” модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнида вужудга келадиган вазиятларда таълим манфаатини инобатга олган ҳолда мақсадли таҳлилини амалга ошириб мақбул қарор

қабул қилишни ўрганиб, қарорларга қўйиладиган талаблар, қарорни тузилиши, қарорни жорий этиш ва бажариш, баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юклараси		
		Жами	Назарий	Амалий машғулот
1.	Олий таълим тизимида стратегик қарорлар қабул қилиш ва жамоатчилик назоратининг мазмун-моҳияти	2	2	
2.	Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш	2	2	
3.	Олий таълим тизимида стратегик қарорлар қабул қилишнинг замонавий усуллари	2		2
4.	Олий таълим муассасаларида жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари	2		2
	Жами:	8	4	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СТРАТЕГИК ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ (2 соат)

Режа:

1. Олий таълим тизимининг стратегик ривожлантиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.
2. Олий таълим тизимида стратегик қарорлар қабул қилишнинг мазмуни.
3. ОТМларда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг зарурияти.
4. ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари. Олий таълимда стратегик қарорлар қабул қилиш. Глобал пандемия шароитида оптимал қарорлар қабул қилиш усуллари. Ноаниқлик шароитида стратегик қарорлар қабул қилиш. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик назоратининг замонавий механизмларини жорий этиш. ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш. Стратегик қарорлар самарадорлигини баҳолашга инновацион ёндашув. ОТМларда стратегик қарорлар қабул қилиш тизимининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш. ОТМларда стратегик қарорлар қабул қилишда рискларни баҳолаш.

2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (2 соат)

Режа:

1. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолияти таҳлили.
2. ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда ННТлар роли.
3. ОТМларда жамоатчилик назоратининг янги ва самарали механизмларини амалиётга жорий эти.
4. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли.

ОТМнинг жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби. ОТМ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг вазифалари ва ваколатлари.

Олий таълим муассасалари хузурида жамоатчилик кенгашлари таркиби. Олий таълим муассасалари раҳбариятининг мамлакатни ислоҳ қилиш жараёнида фаол иштирок этиш борасидаги масъулиятини ошириш. таълим сифати, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, талабаларга яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш. Олий таълим муассасаларига профессор-ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилинаётган номзодлар бўйича тавсиялар бериш. Талабаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог кадрлар ҳақидаги фикрини тўлиқ ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш. Олий таълим муассасасидаги таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва муассасанинг тегишли кенгаши муҳокамасига киритиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СТРАТЕГИК ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

(2 соат)

Глобал пандемия шароитида ОТМларда жамоатчилик назоратини амалга оширишга инновацион ёндашув. ОТМларда стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш (foresight). ОТМларда стратегик қарорлар қабул қилишга таъсир этувчи омиллар таҳлили. ОТМларда стратегик қарорлар самарадорлигини баҳолаш. Олий таълим жараёнини бошқаришда стратегик қарорлар қабул қилиш технологиялари. Стратегик қарорлар самарадорлигини баҳолашда тизимли таҳлилдан фойдаланиш. Олий таълимда халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, стратегик қарор қабул қила оладиган кадрларни тайёрлаш.

2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ (2 соат)

Жамоатчилик назоратининг шакллари. давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш. жамоатчилик назоратини олиб бориш йўналишлари. самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш, ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш, таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг янги босқичга кўтаришга оид масалаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар, кейс технологиялари (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

І. Раҳбарий адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. // «Халқ сўзи», 2014 йил 15 январь.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. // «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>.

6. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbirkor халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, <http://uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.488.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016

йил 30 декабрда мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувида сўзлаган нутқидан.// Халқ сўзи, 2016 йил 31 декабрь.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси .// Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь.

II. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. –Т.: 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”– Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни 2014 йил 5 май ЎРҚ-376 –сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони .
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 - сонли Фармони. Тошкент “Адолат” 2017 й. www.lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3775-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 20.04.2017 йил.№ ПҚ-2909 - сонли Қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли Қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли

мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июльдаги № ПҚ 3151 – сонли Қарори

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

13. 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармони // www.lex.uz.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар:

1. Агранович М.Л. Индикаторы достижения целей устойчивого развития в сфере образования и национальная образовательная политика. Ж.: Вопросы образования. № 4. 2017 г., С.242-264. 1814-9545eISSN: 2412-4354.

2. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. –Т.: Фан, 1999.

3. Berneys E. L. The Later Years. Public Relations Insights 1956-1986.- Rhinebeck: Free Press, 1986.

4. Околеснова О.А. Общественный контроль: информационно-правовые проблемы теории и практики: монография / О.А. Околеснова. - М.: Руслайнс, 2014. - 144 с.

5. Тайхлер Ульрих. Многообразие и диверсификация высшего образования: тенденции, вызовы и варианты политики. Ж.: Вопросы образования. № 1. 2015 г., С.14-38. 1814-9545eISSN: 2412-4354.

6. Холов А. Х. Бошқарув қарорлари қабул қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш масалалари. Ж.: Жамият ва бошқарув. 2017 йил, № 2, 47 Б.

7. Холиқов Қ. Жамоатчилик фикри: у қандай шакллантирилади? //Фидокор, 2005, 28 июнь.

8. Чумиков А.Н. Связи с общественностью. –М.: Дело, 2000. – С.17.

9. Блэк С. Введение в публич рилейшнз. Ростов-на-Дону, 1998. –С. 33-35.
10. Participation of Citizens in Local Public Life, report by the Steering Committee on Local and Regional Democracy (CDLR) prepared with the collaboration of Professor Gerry Stoker, adopted by the CDLR at its 25th meeting, 7-9 June 2000/ Local and Regional Authorities in Europe.
11. Гаффоров Н., Мадаева Ш., Махмудов Р. – Олий таълим муассасаларида таълим-тарбия самарадорлигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти мазмуни. Монография. Т.Иқтисод-молия. 2017.
12. Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович, Таълим муассасалари бошқарувининг самарадорлигини боҳолашдаги ёндашувлар ва усуллар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил.
13. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим тизимини бошқариш. -Т.: “Турон-Иқбол”: 2006. – 592 б.
14. Холов А.Х. Assessing the effectiveness of management decisions of local executive authorities. // Journal of Management Value & Ethics /Approved List Journal S.No. 1 & 63148. Jan-March. 18 Vol. 8 No.1 90-97 P.
15. Холов А.Х. Бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усуллари ва раҳбар масъулияти. Монография. –Т.: «Tafakkur-qanot» нашриёти, 2017. -224 бет.
16. Холов А.Х. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг назарий-методологик масалалалри 2-жилд. Ўқув кўлланма (ҳаммуаллиф). –Т.: «Spectrum media group» нашриёти, 2015. - 224 бет.
17. Холов А.Х. Жамоатчилик назорати –ахлоқ кузгуси. // ЎзМУ хабарлари, 2011. 6-сон. 187-190 бетлар.
18. Холов А.Х. Менежмент фани ривожидида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг психологик усулларининг аҳамияти. // «Фан ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни» республика илмий-назарий конференция материаллари тўплами. –Т.: ЎзЁИ, 2017 йил 24 ноябрь. 533-537 бетлар.
19. Холов А.Х. Оценки эффективности управленческих решений. Монография. Lambert Academic Publishing, Beau Bassin 2018 // <https://www.lap-publishing.com> – 54 стр.

VI. Интернет маълумотлари:


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:
www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳукумати портали: www.gov.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси www.Lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг сайти. www.edu.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси вебсайти: www.parlament.gov.uz.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ


Таълим соҳасида ўқитувчилар билан таълим олувчилар ўртасида кенг оммалашган уч хил ўзаро ҳамкорлик технологияларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар: нофаол, фаол ва интерфаол шакллар. Ҳар бир таълим шакли бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг таърифи қуйида келтирилган:

I. *Нофаол шакл* – бу ўқитувчи билан таълим олаётган бошқарув кадрлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик технологияси бўлиб, бунда таълим жараёнида асосий бошқарувчи ўқитувчи бўлиб, таълим олувчи нофаол тингловчи бўлиб қолади. Таълим олаётган бошқарув кадрлари билан тескари алоқа сўровларга, назорат ишларига, тестларга, мустақил саволларга асосланади. Демак, ўзлаштирилган ахборотнинг аниқлиги ва ҳажми уни ўзлаштириш жараёнига эмас, балки ўтилган ўқув фани натижалари бўйича баҳоланади.



1-расм. Ўқитишнинг анъанавий шакли


II. *Фаол шакл* – бу машғулотлар жараёнида ўқитувчи билан таълим олувчи ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзага келадиган ўқитиш технологияси.



2-расм. Таълимнинг тадқиқотга оид шакли (фаол шакли)

III. *Интерактив шакл* – бу шундай ўқув технологиясики, унда таълим жараёнида нафақат ўқитувчи ва таълим олувчилар ўртасида, балки таълим олувчилар ўртасида ҳам мулоқот шаклидаги ўзаро ҳамкорлик амалга оширилади³.

³ Интерактив (инглизча “inter” – ўзаро, “act” - ҳаракатланиш)



3-расм. Таълимнинг интерфаол шакли

Ҳозирги пайтда таълим олувчилар олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун интерфаол таълимнинг турли хил усуллари мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиб, ўз тузилмасига ва амалга ошириш механизмига эга. Бунда ўқитувчи ўқув материалининг ўзига хослиги, машғулот мақсади, моддий-техник таъминоти ва бошқалардан келиб чиққан ҳолда у ёки бу усулни танлашга эътибор қаратиши лозим.

Интерфаол маъруза. У турли шаклларда ўтказилиши мумкин:

муайян вазиятлар таҳлил қилинган маъруза – тингловчиларга ёзма ёки оғзаки шаклда таҳлил қилиниши лозим бўлган муайян вазиятлар ҳавола қилинади;

муаммоли маъруза – машғулотлар жараёнида ўқитувчи муҳокама ва таҳлил қилиш учун муаммоли вазиятларни яратади, ишлаб чиқилган хулосалар янги билимларнинг ажралмас қисмини ташкил этади;

маъруза-визуализация - ўқув материали расмлар, такдимотлар, видеоёзувлар, таркибий-манتيкий схемалар, диаграммалар шаклида ахборот-техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтиладиган маъруза;

режасалаштирилган хатолар билан ўқиладиган маъруза (маъруза-провокация) – маърузанинг мавзуси эълон қилинган, ўқитувчи машғулот давомида турли хил хатоларга йўл қўйилганини маълум қилади: улар мазмун, услуб, хатти-ҳаракатлар ва б.ларга оид бўлиши мумкин, тингловчилар уларни аниқлаши ва маъруза сўнгида хабар қилиши керак;

икки кишилик маъруза (бинар) – икки нафар ўқитувчи маъруза қилади, уларнинг тингловчилар билан мулоқоти давомида муаммони қўйиш ва муаммоли вазиятнинг таҳлили амалга оширилади, фаразлар илгари сурилади, улар инкор қилинади ёки исботланади, вужудга келган зиддиятлар ва уларнинг ечими изланади;

“матбуот анжумани” маърузаси - таълим олувчилар ўқитувчига эълон қилинган мавзу бўйича саволлар бериши керак, ундан сўнг ўқитувчи ушбу саволларга жавобни маъруза матнига киритади;

мулоқот-маъруза ва мунозара-маъруза – маъруза жараёнида ўқитувчи

ўқув материали берилишини таълим олувчиларга саволлар бериш билан алмаштириб боради.

Ишбилармонлик ўйинлари ва ролли ўйинлар. Ролли ўйин – бу юзага келиши мумкин бўлган ва бошқарув ходимларидан у тушиб қолиши мумкин бўлган вазиятларда ҳаракатланиш технологиясини ишлаб чиқиш. (масалан, аттестация, ишдаги фавқулодда вазиятлар, қўл остидагилар билан муоммолар ва б.). Ролли ўйин масъул ва хавфсиз ечимларни қабул қилиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Ролли ўйинларни ишбилармонлик ўйинларидан фарқлайдиган мезон ўйин давомида баҳолаш тизимининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Case-study (муайян вазиятларни таҳлил қилиш). Кейс - содир бўлган воқеа, реал воқеалар туфайли вужудга келган ёки муайян вазиятда маълум ташкилотда у ёки бу даврда юзага келиши мумкин бўлган вазиятни ўрганиш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилишдан иборат. Кейс-стади услубидан фойдаланиш мақсади қуйидагича:

- танқидий ва таҳлилий тафаккурни ривожлантириш;
- назария ва амалиётнинг боғлиқлиги;
- қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг оқибатларига мисоллар келтириш;
- ноаниқлик шароитида муқобил вариантларни баҳолаш кўникмаларини шакллантириш;
- турли фикр ва нуқтаи назарни намоён қилиш.

Давра суҳбати (мунозара, муҳокама, коллоквиум) - бу интерфаол ўқитиш технологияси бўлиб, таълим олаётган бошқарув ходимларининг англаш фаолиятини жонлантириш усуллари билан бири. У аввал олинган материални ўзлаштириш, етишмайдиган ўринларини тўлдириш, масъул қарорларни қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқиш, мунозара юритиш одобига ўргатиш имконини беради. Давра суҳбатининг ўзига хос хусусияти шундаки, мавзули мунозара гуруҳли маслаҳатлар билан қўшиб олиб борилади.

Дискуссия (мунозара) (лот. discussio - тадқиқ қилиш, кўриб чиқиш) - долзарб масаланинг оммавий йиғилиш, мулоқот, муҳокама жараёнида кўриб чиқиши. Жумладан, мунозара – бу маълум низоли масала, муаммолар, ғоялар, таклифлар, фикрларнинг жамоавий муҳокамаси. Мунозаранинг мақсади турлича бўлиши мумкин: таълим, тренинг, қарашларни ўзгартириш, нотиклик санъатини ривожлантириш, низоларни ҳал қилиш кўникмаларини шакллантириш, ижодкорликни рағбатлантириш ва ҳ.з.

Дебат (муҳокама) – иштирокчилар – икки ёки ундан ортиқ бир-бирига

карама-қарши, рақиб жамоалар (гуруҳлар)нинг расмийлаштирилган муҳокамаси. Ушбу таълим технологияси воқеаларни таҳлил қилиш, фикрни муҳокама қилинаётган муаммога жамлаш, маълумотни тўплаш ва унга ишлов бериш, уни қўллаш имкониятларини ижодий англаш, ушбу муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини белгилаш ва уни ҳимоя қилиш, қабул қилинган қоидалар ва умумий фаолият таомиллари асосида гуруҳда ўзаро ҳамкорликка риоя қилишга асосланади.

Коллоквиум – бу муаммолар доирасини ўқитувчи раҳбарлиги остида муҳокама қилиш усулидир, айти пайтда бу тингловчилар томонидан мустақил ишлаб чиқилган ўқув материали ёки мавзунинг бир неча мунозарали бўлимлари муҳокамаси бўлиши мумкин. Коллоквиум ўқитувчининг талаба билан индивидуал суҳбати шаклида ёки гуруҳли муҳокама шаклида ўтказилади.

Ақлий ҳужум (ақлий ҳужум, *braine storming*) — ижодий фаолликни рағбатлантириш асосида муаммони ҳал қилишни жонлантириш, бунда таълим олаётган бошқарув ходимларига муаммо ечимининг энг кўп сонини, шу жумладан, реалликдан узоқ бўлган ечимларни билдириш таклиф қилинади. Ундан сўнг билдирилган ғояларнинг умумий сонидан амалиётда қўлланилиши мумкин бўлган энг мослари танланади. Кўп ташкилотларда ушбу усулдан турли-туман вазифаларнинг ечимини топиш мақсадида кенг қўлланилади, одатда иложсиз ёки муаммоли вазиятларда фойдаланилади.

Мастер-класс (махорат дарси) – бу концептуал жиҳатдан янги муаллифлик ғоясини узатиш технологиясидир. Ўқитувчи ўз касбининг устаси сифатида қатор йиллар давомида ўз ичига мақсадни белгилаш, лойиҳалаш, маълум дидактик ва тарбия усуллари, машғулотлар, тадбирлар, ўз “Янгилик (ноу-хау)”ларини қамраб олувчи индивидуал (муаллифлик) услубиётини ишлаб чиқади, тингловчиларнинг турли тоифалар билан ишлаш бўйича реал шарт-шароитларни ҳисобга олади ва ҳ.к.

Вебинарлар: онлайн ва оффлайн. Онлайн-вебинар – бу ахборот-коммуникация алоқаси, яъни Интернет ёрдамида ўтказиладиган ўқув машғулотни ташкил қилиш шакли. Мазмунига кўра, вебинар ўқитишнинг нофаол шаклини билдиради (бир томонлама коммуникация), компьютер технологияларининг ривожланиши эса тингловчиларни ва ўқитиш жараёнини фаол тарзда ўтишини таъминлайди, тингловчи-бошқарувчиларни, ўқув жараёнига интерактив функцияларни киритган ҳолда жалб қилади. Тингловчи-бошқарувчиларда эмоционал-мотивацион ва когнитив (билишга оид) даражаларида фаоллашиш кузатилиши мумкин⁴.

⁴ Абрамова Г. С., Степанович В. А. Деловые игры: теория и организация (руководство практического психолога). — Екатеринбург: Деловая книга, 1999.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СТРАТЕГИК ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ МАЗМУН- МОҲИЯТИ (2 соат)

Режа:

1. Олий таълим тизимининг стратегик ривожлантиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.
2. Олий таълим тизимида стратегик қарорлар қабул қилишнинг мазмуни.
3. ОТМларда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг зарурияти.
4. ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

Таянч тушунчалар: *Стратегик ривожлантириш, стратегик қарор, жамоатчилик назорати, жамоатчилик кенгашлари, ўқитиш сифатини назорат қилиш, таълим сифатини назорат қилиш, жамоатчилик назорати шакллари, стратегик менежмент. қисқа, ўрта ва ўзоқ муддатли стратегик режалаштириш, прогнозлаштириш (foresight), стратегик режалаштириш ҳужжатлари. стратегик қарор қабул қилиш. прогнозлаштириш босқичлари. стратегияни ишлаб чиқиш, стратегияни амалга ошириш, стратегияни баҳолаш.*

1. Олий таълим тизимининг стратегик ривожлантиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни⁵, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони⁶, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь. <https://lex.uz/docs/5013007>

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/>

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони⁷, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори⁸, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори⁹ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹⁰ги ПҚ-3775-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги¹¹ №515-сон қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли фармонларида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда ОТМлар фаолияти самарадорлигини оширишни мақсад қилиб қуяди.

Ҳозирги кунда давлат ва жамият томонидан раҳбар ва педагог кадрларни тайёрлаш жараёнига янги талаблар қўйилмоқда, жумладан; “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (ПФ- 4732 – сонли, 2015 йил 12 июнь), шу фармон асосида чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 декабрдаги 351-сонли “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. <https://lex.uz/>

⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. <https://lex.uz/>

⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори. <https://lex.uz/>

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори. <https://lex.uz/>

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги¹¹ №515-сон қарори. <https://lex.uz/>

муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «**Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**» ПФ-5763-сон фармонида «зиммасига юкланган вазифаларни самарали ва юқори профессионал даражада бажаришга қодир раҳбар ва педагог кадрларни танлаш ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини бундай мутахассислар билан таъминлаш, тизимли рағбатлантириш ишларини олиб бориш ҳамда раҳбар ва педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш, такомиллаштириб бориш, уларнинг касбий маҳорати сифати ва даражасини ошириш учун шароитлар яратиш, жумладан хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташни ташкил этиш, ўқув жараёнларига хорижлик олимлар, ўқитувчилар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш» вазифаси белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «**Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги ПҚ-4391-сон Қарорида «таълим муассасаларини зиммасига юкланган вазифаларни юқори профессионал даражада бажаришга қодир раҳбар ва педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тизимли рағбатлантириш чораларини кўриш ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш, уларнинг касбий маҳорати сифати ва даражасини мунтазам ошириб бориши учун шароитлар яратиш, хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташни ташкил этиш» вазифаси белгиланган.

2. Олий таълим тизимида стратегик қарорлар қабул қилишнинг мазмуни. Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликка эришиш долзарб масала ҳисобланади. Айниқса, олий таълимнинг бюджетдан ташқари маблағларга қарам бўлиб қолиши, ўз-ўзини молиялаш механизмининг янги усулларини қўллашга мажбур бўлиши замонавий олий таълимда рўй бериши мумкин бўлган оддий ҳақиқатга айланган. Бу эса стратегияларни аниқлаштириб олиш ва уни муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш зарурлигини тақозо этади. Олий таълимда стратегик менежмент ва стратегик режалаштириш каби бошқарув усулларини қўллаш ва у орқали сифатга эришиш жараёнлари Ўзбекистон олий таълим тизимида кириб келди. Уларни назарий жиҳатдан моҳиятини

очиб бериш ва амалиётда қўллаш бўйича мисолларни кўрсата олишга қаратилган илмий ишлар ҳам кўпайиб бормоқда. Аввало стратегиянинг тавсифига тўхталиб ўтсак. Стратегия – бу мақсадни амалга оширишда раҳбарлик қилиш санъати, ҳар бир жараён ҳолатига ечим қабул қилишда маълум ҳаракатнинг тараққиётидаги энг муҳим масалалар ва йўналишларни ажратиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқишдир. Таълим муассасаси стратегияси – макро ва микроиктисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган унинг аниқ жорий даврда ривожланиш мақсад ва вазифаларини аниқлаб берувчи восита ҳисобланади. Стратегик режалаштириш – стратегик менежментнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Стратегик режалаштириш, дастлаб, хусусий секторда кенг тарқалган бўлиб, доимо ўзгариб келаётган ташқи муҳитга самарали жавоб қайтариш учун, давлат секторлари ва нотижорат ташкилотларида қўлланила бошланган¹².

Стратегиялар ОТМнинг асосий йўналишлари ҳисобланган ўқитиш, илмий тадқиқот ва талабалар масалалари бўйича белгиланади. Чадвикнинг таъкидлашича, университетлар ўзларининг таълим жараёнлари, ўқитиш ва ўргатиш, илмий тадқиқот каби фаолиятлари бўйича сифатни оширишга жавобгарликлари ошиб бораркан, академик ходимларнинг таълим жараёнилари янада кенгроқ тушуниб боришлари лозим бўлади¹³. Шу тариқа стратегик режа ва вазифалар аниқлаштириб олингандан сўнг, стратегияни амалга ошириш босқичида, “ишга киришиш”жараёни бошланади. Эришилган натижалар баҳоланади ва қайта кўриб чиқилади. Ҳозирги кунда дунё ОТМларининг аксариятида стратегик аниқ мақсад ва вазифалар белгиланиб, уни амалга ошириш учун стратегик режалаштириш тажрибаси етарлича бўлиши тақозо қилинмоқда.

Фикримизча, ҳозирги даврда ҳар бир ОТМ стратегияларга асосланган бошқарув тизимида ишлашга мажбур бўлади. Аксарият ҳолларда стратегияларни белгилаш манфаатлар ва қизиқишлардан келиб чиқади. Хусусий ОТМларида стратегияларни аниқ ва мукамал ишлаб чиқилади ва аксарият ҳолларда, стратегик мақсадлар сир сақланади. Лекин, давлат ОТМларида стратегиялар, асосан, юклатилган масъулият ва жавобгарликлардан келиб чиқади. Мамлакатимиз шароитида ҳар бир ОТМнинг ўз стратегиясини белгилаб олиши ва стратегик мақсад сари иш олиб бориши учун раҳбар кадрларнинг етарлича ваколатлари мавжуд. Шундай экан, манфаатлар ва жавобгарликларни уйғунлаштира олишда

¹² П.Лутфуллаев. Олий таълим муассасасида сифатни ва рақобатбардошликни таъминлашда стратегик режалаштиришнинг аҳамияти. //

<http://www.erasmusplus.uz/images/shared/file/HEREs%20publication%202018%202.pdf>

¹³ Chadwick, P. (1996), “Strategic management of educational development”, Quality Assurance in Education, Vol. 4 No. 1, pp. 21-5.

раҳбар кадрлар ўз бошқарув маҳоратига таянади. Юқоридаги фикрлардан ва хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, стратегик режалаштиришни ички стратегия ва ташқи стратегияга бўлишни тавсия этамиз. Биринчиси ички стратегия, иккинчи эса ташқи стратегия. Ички стратегиялар ошқора олиб борилиши, барча бўғин ходимларга аниқ масъулиятлар белгилаш орқали, ресурслардан оқилона ва креатив фойдаланиш йўли билан рўёбга чиқарилади. Ички стратегия баъзи ҳолларда профессор-ўқитувчилар орасидаги “муносабатлар муҳитининг бузилиши” (academic antoganism), “ўзгаришларга қаршиликлар” (resistence to change) каби факторларни бартараф этишда ёки зарарсизлантиришда ҳам фойдаланиш мумкин, чунки ички стратегияларни олиб боришда ижобий ва салбий факторларни инобатга олмасликнинг имкони йўқ. Ташқи стратегиялар асосан турдош ОТМлар билан соғлом рақобатга киришишда, ўзаро ҳурмат принципларига асосланган ҳолда олиб борилади, хусусий ОТМлар ташқи стратегияни ихтиёрий равишда сир сақлаш мумкин. Маълум бўладики, стратегик режалаштиришнинг ҳар икки тури ҳам пировардида ОТМнинг муваффақиятларга эришиши, сифатни ва рақобатбардошликни таъминланиши учун хизмат қилади. Шундай бўлсада, халқаролашув жараёнининг ва унинг компонентлари (хорижий талабалар сонини оширилиши, профессор-ўқитувчилар алмашинувини кўпайиши, халқаро таълим ташкил этиш орқали бюджетдан ташқари маблағларнинг оширилиши) ОТМда сифат рақобатбардошликни таъминлашда муҳим ўрин тутди ва уларни стратегик режа асосида амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради¹⁴.

Стратегия — бу:

- истиқболни тадқиқ қилиш, турли сценарияларни таҳлил қилиш санъати;
- истиқболда рақобат курашида афзаллик берувчи ғоя;
- корхонанинг умумфаолияти (фонди, қуввати, харажати, фойдаси ва хоказо)ни назорат қилувчи кенг қамровли тизим.

Стратегик режалаштириш – мамлакат, унинг минтақалари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, мақсадли параметрлари, устувор вазифаларини белгилаш, бунинг учун зарур дастур ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

«Стратегик режалаштириш – бу келажак ҳақидаги тасаввурни яратиш ва

¹⁴ П.Лутфуллаев. Олий таълим муассасасида сифатни ва рақобатбардошликни таъминлашда стратегик режалаштиришнинг аҳамияти. // <http://www.erasmusplus.uz/images/shared/file/HEREs%20publication%202018%202.pdf>

мазкур кутилган тахмин борасида бошқарув». Бу қисқа муддатли қарорларни узоқ муддатли мақсадлар билан мувофиқлаштириш бўйича самарали жараён.

Стратегик режалаштириш ҳужжатлари учта даражада ишлаб чиқилади.

Республика даражаси	Минтақавий даража	Тармоқ даражаси
Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш прогнози	Минтақани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш прогнози	Иқтисодиёт тармоғининг ривожлантириш прогнози
Ўзбекистон Республикасининг комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси	Минтақани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси	Иқтисодиёт тармоғининг ривожлантириш концепцияси
	Худуд (туман, шаҳар)нинг комплекс ривожлантириш дастурлари	Иқтисодиёт тармоғининг ривожлантириш дастурлари

Ўрта муддатли стратегик ҳужжатлар (3 йилдан 5 йилгача) узоқ муддатлиларига (5 йил ва ундан ортиқ), қисқа муддатлиларига (1 йилдан 2 йилгача) ўрта муддатлиларига мувофиқ келиши лозим.

Корхона мақсади ва вазифаларини танлаш стратегик режалаштириш жараёнининг энг дастлабки ва масъулиятли босқичларидан ҳисобланади. Бу жараён режалаштиришнинг кейинги барча босқичлари учун мўлжал вазифасини ўтайди. Корхона маблағ фаолиятининг бош мақсади — кам маблағ сарфлаб, истеъмолчиларга юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш, топшириқ, шартномаларини бажариш. Стратегик режалаштириш сифати ҳам ана шу бош мақсаднинг қанчалик тўғри танланганлиги ва қабул қилинганлигига боғлиқ. Шу соҳадаги тадқиқотлар мақсаднинг қуйидаги мезонларга мос келиши лозимлигини кўрсатади:

- аниқ ўлчовга эга бўлиши;
- давр (муддат)нинг аниқ бўлиши;
- амалга ошириш мумкинлиги;
- мувофиқлаштирилишини таъминлаш мумкинлиги;
- устуворликка эга бўлиши.

Биринчи мезон мақсаднинг аниқ меъёрий ўлчовга эга бўлишини талаб қилади. Масалан, “шу давр ичида ходимларнинг хизмат пиллапоялари орасидаги ўсишини тахминан 10-15 фоизга ошириш”, “сифати аъло, аммо баҳоси шунча фоиз паст бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш” ва ҳоказо. Бундай мақсадларни аниқ қўйиш билан раҳбар барча бўғинларнинг истиқболдаги ривожланиши бўйича аниқ миқдорий мўлжалларни белгилайди.

Стратегик режалаштиришдаги **иккинчи мезон** — бу прогноз

қилинаётган вақт (давр)ни аниқ белгилаш лозимлиги. Бу мезонга биноан, стратегик режалаштириш узоқ муддатли (беш йилдан кўпроқ муддатга), ўрта муддатли (бир йилдан беш йилгача) ва қисқа муддатли (бир йилгача) бўлиши мумкин.

Мақсадга эришишнинг **учинчи мезони** икки жиҳат нуқтаи назаридан муҳимдир. Биринчидан, мўлжалланган мақсаднинг амалга ошмаслиги корхонага катта зарар етказиши, ҳаттоки банкротликка олиб келиши мумкин. Иккинчидан, амалга ошириш мумкин бўлмаган мақсаднинг корхона олдига қўйилиши банд бўлган ходимларнинг муваффақиятга интилишини бўғиб қўяди. Бу эса ўз навбатида уларнинг шахсий манфаатдорлигини сўндиради. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Стратегик режалаштиришдаги мақсаднинг **тўртинчи мезони** — бу мақсаднинг мувофиқлаштирилишини ҳисобга олиши. Бундай талаб тўлатўкис бошқарувчиларнинг маҳорати ва малакасига боғлиқ. Бу ерда гап қўйилган мақсаднинг бошқа мақсадларнинг амалга ошишига халақит бермаслиги тўғрисида кетяпти. Бош мақсад ва қўшимча мақсадларнинг бири-бирига мувофиқ келмаслиги турли бўғинлар ишида турли қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Мақсадга эришишнинг **бешинчи мезони** — бу стратегик режалаштирилаётган объект билан боғлиқ бўлиб, унинг устуворлигига эътибор берилади. Масалан, фойдалилик, бозор сегментлари, молиявий ресурслар, инновация, социал ҳимоя ва бошқалар. Бу соҳалар бўйича мақсадлар ҳам мазмунан, ҳам ифодаланиш шакли нуқтаи назаридан бири-бирдан тубдан фарқ қилади. Дарҳақиқат, агар сўз фойдани узоқ муддатга режалаштириш ҳақида кетса, у ҳолда асосий мақсад фойда, даромад кўлами, капитал қўйилмаларга ажратиладиган маблағ ва ҳоказолар назарда тутилади.

Стратегик режалаштириш учта катта саволга жавоб беради.

1. Бугун биз қандай аҳволдамиз?
2. Биз келгусида қаерда бўлишни истаймиз?
3. Биз келгусида истаган манзилимизда бўлишимиз учун нимага эътибор беришимиз зарур?

Амалиётдан маълумки мажмуали стратегик режалаштириш ва бошқаришни жорий қилган ташкилотларда фаолият тармоқлар бўйича нисбатан самаралироқ кечмоқда.

Стратегик режалаштириш ва бошқарувни ўзида жорий қилган ташкилот ва корхона ва фирмаларда натижа аниқ ва кўзланган мақсадларга кам талофатлар асосида эришиш кузатилмаоқда.

Ушбу ҳолат охириги 30 йил давомида менежмент назарияси ва амалиёти

бўйича мутахассисларнинг бошқарув қарорларини қабул қилиш амалиёти таркибига кирди ва стратегияни ҳозирги кунда ташкилот корхона ва фирмаларнинг миссиясини амалга оширувини таъминлаб берувчи мажмуали режа сифатида қаралмоқда.

Стратегия ташкилот, корхона ва фирмаларнинг мумкин бўлган фаолият чегараларини ва қабул қилинган бошқарув қарорларини белгилайди.

Стратегик режалаштиришдаги қадамлар:

1. ҚАРАШ ва “МАҚСАДЛАРДАН” (НЕГА саволидан) бошланади
2. Қараш ривожланиш МАҚСАДига (ҚАНДАЙ) эришиш учун “СТРАТЕГИЯ” орқали амалга ошади
3. Мақсадларга эришганимиз ҳақида биз қандай биламиз? “НАТИЖАЛАР” ёрдамида [НИМАГА]
4. Натижаларга қандай эришилади? Ривожланиш бўйича интервенциялар ёки режалаштирилган “ТАДБИР ВА РЕСУРСЛАР” орқали

Стратегик режалаштириш. Стратегик режалаштириш атамаси 60-70 йилларда киритилган бўлиб, ишлаб чиқаришнинг жорий ва келажакдаги бошқарувини қуйи ва юқори фарқларини изоҳлашга қаратилган бўлиб, ушбу фарқларни аниқлаш аввало бизнес ни олиб бориш шароити билан белгиланади стратегик режалаш ғояси.

Стратегик режалаштириш ягона усуллар асосида келажакдаги муаммо ва имкониятларни расмий истиқболни белгилашдан иборат ва у раҳбариятни узоқ муддатли режаларни тайёрлашга йўналтирилган.

Стратегик режалаштиришнинг хусусиятлари

Биринчидан миллий режа элементларни ягона Стратегик яхлит тарзда қарайди

Иккинчидан стратегик режалаштириш узоқ муддатли келажакка қаратилган

Учинчидан Стратегик миллий иқтисодни турли элементларининг Стратегик ривожланишини аниқлайди

Тўртинчидан стратегик ривожланишни келажакдаги муваффақиятли ривожланишини белгилайди.

Ҳозирги пайтда стратегик режалаштириш усулларининг қўлланишига ФТРнинг илғор олқа силжиши, тадбиркорлик фаолиятида «ҳавф-ҳатар» (риск) даражасининг ортиши, маҳсулот номенклатураси ва бизнес соҳаларининг дифференциаллашув ва диверсификациялашув жараёнлари, бошқарув ва ташкилий тузилмасининг мураккаблашуви, муҳим муаммларни ечишга катта эътибор қаратиш лозимлиги кабилар сабаб бўлмоқда.

• **Прогноз** - бу истиқболдаги воқеа, ҳодисаларнинг илмий модели

ҳисобланади, яъни келажакда объектнинг эҳтимолий ҳолати ҳақида ёки бу ҳолатга эришишнинг муддатлари ва альтернатив йўллари ҳақида илмий асосланган фикрлар, мулоҳазалар.

Прогнозлаштириш деганда прогнозни ишлаб чиқиш, яъни маълум бир жараённинг ривожланиш аниқ келажagini махсус илмий тадқиқ этишдир. Прогнозлаштириш прогнозни ишлаб чиқиш жараёни.

Прогнозлаштириш ва режалаштириш - ижтимоий ривожланишни бошқаришнинг муҳим воситаси бўлиб, ташкилотнинг ижтимоий муҳити қандай аҳволда эканлигини таҳлил қилишни, унга таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олишни, потенциал имкониятлардан истиқболда фойдаланишга мўлжалланган лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқишни назарда тутати.

Прогнозлаш методлари қуйидагилардан иборат:

1. **Иқтисодий прогнозлаш**, конкрет компаниянинг ёки конкрет маҳсулотнинг сотув хажмини ва иқтисодиётининг умумий аҳволини башорат қилиш учун ишлатилади.

2. **Технологияларнинг ривожланишини прогнози**, қачон янги технологиялар ишлаб чиқаришни кутилмоқдалиги, қанчалик иқтисодий таъминланганлигини башорат қилиш учун хизмат қилади.

3. **Рақобатни ривожланишини прогнозлаш**, рақобатчиларни стратегиясини ва тактикасини олдиндан билишга ёрдам беради.

4. **Изланишлар ва савол жавоблар орқали келиб чиқадиган прогнозлар**. Бу прогноз билимларни жуда кўп қисмлардан йиғилган бу маълумотлар мушкул вазиятларда нималар рўй беришини кўрсатиб беришга ёрдам беради. Масалан: келгусида автомобиль бозорини яқинлашиб келаётган иқтисодий-сиёсий аҳволи, технологик ўзгаришлар, экология талабларини ўзгариши орқали башорат қилиш мумкин.

5. **Ижтимоий прогнозлаш**. Прогнозлашнинг бу усулларида тўлиқ фойдаланилса корхона ва умуман халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида олиб бориладиган ишлар самарали бўлади.

Прогнозлаштиришнинг асоси – ривожланиш сценарийсини куришдир. Бу технология - воқеаларнинг қадамба-қадам ривожланишининг гипотетик тасвири бўлиб, у ўз ичига (келажакдаги ҳолатлар ҳақида умумий тасаввурларни шакллантиришдан ташқари) ҳаракат қилишнинг муқобил вариантларини излаш, жараён ривожланишининг бурилиш нуқталари ва бошқа таснифларини ўз ичига олади.

Прогнозлашнинг умумий мантиқи ўзида мақсадлар миқёси ва характерини аниқлаш ва ишчи гипотезалар куришдан базавий гипотетик

моделга изчиллик билан ўтишда ифоданади. Бу жараёнда ҳар бир унсур таҳлил этилади. Бунда моделнинг иерархик даражалари ва функциялари, кўрсаткичларининг динамик тарихини тузиш ва манзарали ахборотлар тўплаш кабилар асосида прогнозлашнинг аниқлиги ва ишончли эканлиги баҳоланади.

Таҳлилий манбани тайёрлаш жараёни ва босқичлари йиғилган ахборот таҳлили (фараз, илгари суриш, сабаб-оқибат алоқадорлигини аниқлаш, тенденцияларни белгилаш, прогнозлаш) каби усулларда намоён бўлади.

Прогноз вариантлари таҳлилнинг таркибий қисмларига киради. Прогнозлаш (бирор-бир ҳодисанинг келажақдаги ҳолати ҳақидаги мулоҳаза) усулидир. Муаммоли вазиятни олдиндан кўришнинг барча нозик томонларини билиш учун ахборот зарурдир. Улар, ёпиқ тарзда ҳамда огоҳлантирувчи ва истикболни белгиловчи руҳда бўлиб, уларни жамлаш учун восита сифатида метрик усуллар тўғри танланиши шарт. Қолгани эса таҳлилчининг иши бўлиб, у етишмаган ахборотни ўзинининг таҳлилга бўлган интеллектуал қобилияти билан тўлдиради.

Қарор қабул қилишда моделлаштириш ва прогнозлаштириш усуллари мавжуд. Прогнозни амалга ошириш мураккаб интеллектуал фаолият. Назарий жиҳатдан прогнозни мазмуни, тузилиши, функционал жиҳатдан аҳамиятлилигини инобатга олиб, қуйидаги турларга ажратиш мумкин: ваъдали прогноз; ишончли прогноз; омилли прогноз; шубҳали прогноз; ахборотли прогноз ва б.

Моделлаштириш. Прогноз. SR модели: “Объектнинг институционал

Тавсифи → Объектнинг функционал тавсифи → Объектнинг стратегик тавсифи → Намоён бўладиган эҳтимолий муаммоларнинг тавсифи → Объектнинг бошқа объектлар билан алоқаси тавсифи → Объектнинг фаолиятини таъминлаш учун мавжуд шарт-шароитларнинг тавсифи →

Фаолиятни таъминлашда ҳамкорликнинг асосий йўналишларининг тавсифи

→ Барча тавсифларнинг таҳлили = Моделлаштириш = Прогноз”.

Тизимли таҳлил натижаларини шарҳлаш технологияси қуйидаги моделга эга.

Тизимли таҳлил объекти, предмети ва муаммосини аниқлаш




Объект ва предметни мукамал моделини тузиш



Муаммога оид бўлган ахборотни жамлаш





Барқарор тараққиётнинг асосий мақсади:

- Аҳоли фаровонлигини ошириш;
- Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш;
- Ҳар бир инсоннинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш;
- Ёш авлоднинг барча қобилият ва имкониятларини амалга ошириш.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб куйидаги вазифаларни бажариш талаб этилади:

Ахборот базасини шакллантириш. Бунда ахборотнинг *тўлиқлиги, ишончилиги, очиқлиги, долзарблиги ва қиёсийлигини* таъминлаши лозим. Бунда унинг бош хоссаси *ҳаққонийлик, фойдалилик, янгилик, ноёбликдир.* У ахборотнинг қиёсийлигини таъминлайди ва келгусида уни мазмун жиҳатидан таҳлил қилишда кўмаклашади.

Бундан ташқари *жорий маълумотлар* (никоҳлар, туғилишлар, сиёсий ва иқтисодий воқеалар ва ҳ.к.), вақтнинг муайян муддатида қайд этиладиган *даврий маълумотлар* (кварталлик, йиллик ҳисоботлар ва ш.к.), ноёб ҳужжатлар ёрдамида йиғилади.

Диагностика ва прогноз қилиш.

Диагностиканинг мақсади бошқарув тизимининг *ҳақиқий ҳолатини* аниқлашдан иборат. Ижтимоий тизимлар диагностикасида энг муҳими – тизимнинг ҳолати ва ривожланишини белгиловчи ижтимоий омилларни аниқлаш, юз бериши мумкин бўлган оқибатларни ўрганиш.

Бошқарувда **прогноз қилиш** – бошқарув қарори қабул қилишдан олдин келадиган, мақсади прогнозни шакллантиришдан иборат бўлган босқич. *Прогноз* – муайян объект ёки жараённинг келажакдаги эҳтимол тутилган ҳолати. Прогноз ахбороти, илгари тўпланган тажрибадан, тизимнинг келажакдаги эҳтимол тутилган ҳолатларини аниқлаш ахборотидан ҳам фойдаланилади. Прогнознинг вазифаси – режалар ва ечимларни илмий асослаш ва ишлаб чиқишга кўмаклашиш.

Прогнозлар ва башоратлар фарқланади. Уларнинг фарқи – келажак тавсифининг аниқлик даражасида. Башорат объектнинг бўлғуси ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг мутлақо ишончилигини назарда тутди ва “аниқ” фанлар доирасида ишлаб чиқилади. Ижтимоий жараёнлар бундай қонунларга бўйсунмайди, шу сабабли бу ерда фақат тизимнинг ҳақиқатга озми-кўпми яқин бўлган ҳолатларини акс эттирувчи прогнозларгина илгари сурилиши мумкин.

Иккинчи босқич вазифаларининг иккаласи (диагностика ва прогноз қилиш) ҳам биринчи босқичда ишлаб чиқилган ахборот базаси асосида ечилади.

3. ОТМларда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг зарурияти. Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида самарали бошқарувни ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Самарали бошқарувни ташкил этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтириш раҳбар кадрлар олдида турган энг муҳим вазифа – тўғри қарорлар қабул қилишга боғлиқ.¹⁵

Кейинги пайтларда мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш кучайди. Коррупция — жамиятнинг, давлатнинг ички душмани, катта хавф-хатарга эга, унча-мунча бало-қазодан кўпроқ зиён-заҳмат етказадиган душман. Кун кеча Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этиш ҳақидаги фармон ҳам бекорга қабул қилингани йўқ. Бу борада олий таълим муассасаларида Коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши белгилаб берилди. Булар, олий таълим соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини изчил давом эттириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига барҳам берилиши, олий таълим муассасаларини тажрибали, ҳалол, пок виждонли, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлардан шакллантириб, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб берилиши, олий таълим муассасаларининг жамият олдидаги

¹⁵Холов А. Бошқарув қарорлари қабул қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш масалалари. Ж.: Жамият ва бошқарув. 2017 йил, № 2, 47 Б.

ҳисобдорлиги ва таълим сифатини таъминлашдаги масъулиятини ошириш, кенг жамоатчиликни шаффофлик ва холислик тамойиллари асосида таълим хизматлари сифати тўғрисидаги маълумотлар билан хабардор қилиб бориш белгиланди.

Шунингдек, профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги бюрократик омилларни бартараф этиш, баҳолаш мезонларидаги шаффофликни кучайтириш, талабалар билимини баҳолашда адолатни таъминланиши, абитуриентлар ва магистратурада таълим олиш учун талабгорлар хужжатларини қабул қилиш, барча касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш, уларнинг билимини баҳолаш, ўқишни кўчириш ёки қайта тиклаш жараёнларида суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш, бу борада жамоатчилик кенгашларининг ролини ошириш, шаффофликни таъминлаб борилиши, профессор-ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ушбу касб жозибadorлигини таъминлаш бўйича чоратadbирлар кўриш масалалари таъкидланди.

Олий таълим тизимида педагог кадрларни ишга қабул қилиш, лавозимларга танлов ўтказишда адолат ва очиқликни таъминлаш, ўқув йили якунлари бўйича педагог кадрлар фаолиятига баҳо бериш, бу борада жамоатчилик назоратининг янги ва самарали механизмларини амалиётга жорий этилиши, олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий хужжатларига риоя қилиниши, харажатлар сметаларини шакллантириш тартибига амал қилиш ва ички молиявий тафтиш ишларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда коррупцияга оид ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этилишини таъминланиши, олий таълим тизимида кадрлар захирасини шакллантириш, одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш белгиланди.¹⁶

Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгаши фаолиятини самарали такомиллаштириш биринчи навбатда олий таълимда ҳар бир бажарилинаётган ишларда шаффофликни таъминлашдан иборатдир.

Жамоатчилик кенгашлари фаолиятни ривожлантириш ҳақида сўз борар экан, аввало муассасанинг жамоатчилик таркибини аниқлаб олиш зарур. У қандай аниқланади, деган саволга оддий кузатишлар орқали жавоб топиш мумкин.

2018 йилда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик Маркази ўтказган сўровда иштирок этганларнинг 29 фоизи олий таълим тизимида коррупция кенг

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон Қонуни. Тошкент. 3 январь, 2017 йил.

тарқалган деган фикрни билдирган бўлса, 2019 йилда бу салбийкўрсаткич 35 фоизни ташкил этган.

Юқоридаги ҳолатларда жамоатчилик назорати, жамоатчилик кенгашлари сусти иш олиб бораётганлиги, тизимда тарғибот-ташвиқот ишларининг етарли даражада олиб борилмаганлиги, йиғилишларда танқидий таҳлилнинг етишмаслигида деб таъкидлашимиз лозим. Ушбу ҳолатларни яна такрорланмаслиги учун жамоатчилик кенгашлари мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, асосан қаерда ушбу ҳолатларга етарлича барҳам берилмади, бу иллатни таг томири билан юлиб ташлашда нималарга асосий эътиборни қаратиш керак, бу камчиликларни бартараф этиш учун жамоатчилик кенгашлари сидқидилдан ўз фаолиятларини олиб боришлари керак.

“Пала-партиш таклифларни бериш ва шошма-шошаарлик билан қарорлар қабул қилиш керак эмас”-деб таъкидлайди Президентимиз Ш.Мирзиёев.¹⁷

Ана шу пала-партишлик шошма-шошарлик шундай оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳар бир ишимизни етти ўйлаб, бир кесишимиз зарурдир.

Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашларини йўлга қўйишга хизмат қиладиган ахборот хизмати аввало ўша жамоатчилик таркибини аниқлаб олиши ва муттасил равишда уларнинг фикрларини ўрганиб бориши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш зарурияти муҳим деб ҳисоблаймиз. Олий таълим муассасаларида соғлом рақобат муҳитини янада шакллантириш, қонунийликни, юксак ҳуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш, таълим сифатини ошириш, коррупцион ҳолатларга чек қўйиш мақсадида сўровномалар ўтказиш, навбатдаги муддатга танловдан ўтаётган профессор-ўқитувчилар орасида коррупцияга алоқадор бўлган ёки мойиллиги борларни танловда иштирок этишига йўл қўймасликдан иборатлиги айнан жамоатчилик кенгашининг зарурлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир соҳада, яъни у таълим бўладими, ишлаб чиқариш ёки қурилишми шаффофлик таъминланиши зарур. Шу туфайли жамоатчилик кенгашлари ҳар бир муассасанинг кўзгусидир.

Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ҳалқаро тажрибаси сифатида ЮНЕСКОнинг бир қатор фонд ва лойиҳаларини мисол

¹⁷ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Тошкент, 2017 йил, 14 январь

қилиб келтириш мумкин. Фан, таълим ва маданият бўйича бирлашган миллатлар ташкилоти бўлган ЮНЕСКО ўз доирасида фуқаролик жамияти таълим фонди (Civil Society Education Fund-CSEF) 2012 йил “Таълим фондига томон глобал ҳамкорлик” (Global Partnership for Education Fund) лойиҳасига Таълим учун глобал компания (“Global Campaign for Education”) миссияси доирасида US\$14.5 мл. ажратган. Ҳозиргача ушбу лойиҳада ЮНЕСКОнинг супер вайзерлик роли ошиб ҳар йили деярли US\$ 7.25 мл қўшилмоқда¹⁸.

Олий таълимда муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ҳалқаро тажрибаси сифатида АҚШ тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу тажриба Америкадаги прагматизмни бошлаб берганига гувоҳ бўламиз. Прагматизм Америка таълим ва илм-фан сиёсатига нисбатан фақат позитив маънода эмас, балки паразитизм, яъни бошқалар меҳнати ва ресурси эвазига кун кўрувчи организм маъносида қўлланилиши мумкин. Чунки АҚШда н илм-фан соҳаси эпистемиологик, дунёқараш, таълим, амалиётни креатив ўзгартирувчилик вазифаларидан ташқари яна бир қанча ижобий ва бир вақтни ўзида салбий функцияларни ҳам ўз зиммасига олган.

Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ҳалқаро тажрибаси сифатида Германия, АҚШ ва турли халқаро ташкилотлар тажрибасини таҳлил этар эканмиз умумий хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ушбу тажриба ҳар доим ҳам ўзи қўлланилаётган жамият, гуруҳ, манфаатлар эҳтиёжи ва муаммоларидан келиб чиққан ҳамда демократик тамойилларнинг ҳолис ёки ноҳолис, инсонпарвар ёки манфаат асосидаги қизиқишлардан келиб чиқиб амал қилган. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтлари тажрибаси минтақа ва ҳудуднинг тарихий, миллий ва локал масалаларидан келиб чиқиб ҳал этилган. Германия тажрибасида барча тамойил ва мақсадлари ижобий характерга эга бўлган тизим, Америка тажрибаси мисолида демократия ниқоби остида геосиёсий ва миллий давлат манфаатларини кўпроқ кўзлагани намоён бўлади. Лекин бир нарсани таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти таъсири таълим тизими билан синкретлашганда ҳар доим ҳам парадоксал равишда креатив, инновацион янгиликларни, дунёвий ўзгаришларни беради.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар (Австралия, Япония, Янги Зеландия, Норвегия, Буюк Британия, АҚШ) олий таълим муассасаларида

¹⁸ UNESCO Biannual Progress and Supervision Report, October 2016. pg.2

таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ҳаётий қарорларни қабул қилиш жараёни кўпроқ очиқлик ва шаффофликка асосланиш (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида жамоатчилик эшитуви ва муҳокамаси ташкил этиш) жараёни кузатилади. Бу тўлақонли жамоатчилик назорати тамойиллари мос келади ва бу тажрибани мамлакатимиздаги барча олий таълим даргоҳларига самарали восита сифатида тизимли тарзда жорий этишни тақозо этмоқда.

Олий ўқув юртларида хорижий олий таълим муассасаларидаги каби жамоатчилик кенгашлари самарали ишлай бошласа, муассасанинг автоном ишлаш тамойилини майдонга келтиради, унинг ривожланиши, мутахассисликларни танлаш, ишлаб чиқариш ҳамда фан интеграциясини рўёбга чиқариш имкониятларини оширади.

Олий таълим ўқув юртларидаги Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, биринчидан, жамоатчилик кенгашлари расман тузилган бўлсада, иш фаолиятини тизимли йўлга қўйилмаган, иккинчидан, кенгаш фаолияти муассасалар ҳаётида фаолияти ёритилмаган, ахборотлар берилмаган, учинчидан, институтлар маъмуриятига таъсир ўтказиш имконияти паст, чунки унинг шаклланишида маъмурий ресурс кенг қўлланилган, тўртинчидан, мавжуд нодавлат ташкилотларнинг фаолияти олий таълим даргоҳларида етарли кучга эга эмас.

4. ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсади, ўз навбатида, жамоат ташкилотлари олдига нафақат давлат ҳокимияти органлари фаолияти, балки, давлат сиёсатида муайян даражада таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган жамият сиёсий тизимининг бошқа институтлари устидан ҳам жамоатчилик назоратини амалга ошириш вазифасини қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев жамоатчилик назоратининг аҳамияти, уни янада самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан нодавлат жамияти тузилмалари ва уюшмалари, фуқаролик жамияти институтларига боғлиқ эканлиги, бунинг учун эса ана шу тузилмаларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш, уларнинг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ҳамда фаоллигини оширишга кўмаклашиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини тўла ишлаб чиқиш ўта долзарб масала эканлигига эътибор қаратар экан, жумладан: “қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат

ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Биз “Адолат – қонун устуворлиги” деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашишимиз зарур. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ”, деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, жамоат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганлиги, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини ҳам муайян даражада таъминлайди.

Мазкур мавзу бўйича ўзбекистонлик олимлардан илмий тадқиқот ишларида Х.Р.Мухамедходжаеванин¹⁹г фикрича, “Жамоатчилик назорати жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, олимлар жамияти, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар ҳамда уларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа уюшмалар томонидан назорат қилинаётган давлат органи фаолиятида қонунийлик ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, кучайтириш мақсадида амалга ошириладиган назоратдир” деб таърифлайди, Ж.Чоршанбиев²⁰ фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоатчилик назоратининг аҳамияти ҳақида фикр юритиб, “жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат барқарор бўлишида шахс, жамият ва давлат алоқаларида тенглик, масъулият ва жавобгарлик бўлиши учун хизмат қиладиган муҳим омиллигини тадқиқ этган, Ш.Бафаев²¹ жамоатчилик назорати демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омили сифатида, М.Нажимов²² жамоатчилик назорати институтининг назарий-методологик жиҳатларини, Х.Хаитов²³ жамоатчилик экспертизаси тўғрисида, А.Холов²⁴ жамоатчилик назоратини бошқариш юзасидан хусусан, қарорлар қабул қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берган, Р.Ҳакимов²⁵нинг фикрича жамоатчилик назорати-мунтазам назорат қилишни,

¹⁹ Muxamedxodjayeva X.R. Ijro hokimiyati faoliyati yuzasidan jamoatchilik nazorati: nazariyhuquqiy muammolar. Yurid. fanlar nomz. dis... avtoref. – Toshkent, 2011

²⁰ Chorshanbiyev J. Fuqarolik jamiyati shakllanishida jamoatchilik nazoratining ahamiyati // Demokratlashtirish va inson huquqlari. – T., 2008. №2. – B.14.

²¹ Bafayev Sh. Obshyestvenniy kontrol kak vajniy faktor postroyeniya demokratcheskogo pravovogo gosudarstva i grajdanskogo obshyestva // Obshyestvennoye mneniye. Prava cheloveka. – T., 2007. № 1. – S.30.

²²Нажимов М. Theoretical and methodological aspects of the institution of publ Published by 2030 Uzbekistan Research Online, 2017 Yuridik fanlar axborotnomasi-Вестник юридических наук-Review of Law Sciences 1 (2017) 25-32 2.

²³Хаитов Х. Қонун лойиҳалари- жамоатчилик назоратининг муҳим шакли сифатида.

²⁴Холов А. Бошқарув қарорлари қабул қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш масалалари. Ж.: Жамият ва бошқарув. 2017 йил, № 2, 47 Б.,

²⁵Hakimov R. Mamlakatni modernizatsiya qilish va kuchli fuqarolik jamiyatini barpo etishda jamoatchilik nazoratini takomillashtirishning dolzarb masalalari // Fuqarolik jamiyati. – 2011. – № 10.

М.Мамасиддиқов²⁶ жамоатчилик назорати фаолиятни самарали ташкил қилишда муҳимлиги тўғрисида илмий тадқиқот олиб борганлар.

Россиялик олимлардан С.Зубарев²⁷ жамоатчилик назоратининг моҳияти, О.Околеснова²⁸ жамоатчилик назоратининг ахборот, ҳуқуқий муаммоларини, В.Гриб²⁹ жамоатчилик кенгашлари жамоатчилик назорати тизимининг асосий элементлиги, С.Тахоева³⁰ деб таъкидлаган, А.Чумиков³¹ эса илмий-тадқиқот ишларида жамоатчилик назоратини фаоллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берган.

Ўзбекистон Республикаси юридик энциклопедиясида қайд этилишича, жамоатчилик назорати – бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг жадал ривожланишига кескин импульс берадиган муҳим ҳужжат сифатида кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Мазкур қарорнинг пировард мақсади олий таълим тизимида туб ўзгаришлар ясашга қаратилган бўлиб, унинг ижрочиси ўқитувчи шахсининг мавқеини жамият олдида тиклаш, таълимга алоқаси бўлмаган ишларга жалб қилинишига чек қўйиш, шу билан биргаликда унинг профессионалик даражасини ва масъулиятини ошириш, ўқитиш тизимида янги шаклларни жорий этиш ва бошқаларни назарда тутати.

Бу қарор таълим ислоҳотлари орасидаги жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли биз мазкур қарордаги 3 та муҳим ҳолатга: олий таълимда ишлайдиган профессор-ўқитувчилар, раҳбарлар ва таълим соҳаси бўйича

²⁶ М.Мамасиддиқов *Jamoatchilik nazorati fuqarolik jamiyatini rivojlantirish omilidir* // *Huquq va burch*. 2014. № 5.

²⁷ Zubarev S.M. *Ponyatiye i sushnost obshchestvennogo kontrolya za deyatelnostyu gosudarstvennix organov*. elektron resurs: <http://justicemaker.ru>.

²⁸ Околеснова О.А. *Общественный контроль: информационно-правовые проблемы теории и практики: монография* / О.А. Околеснова. - М.: Руслайнс, 2014. - 144 с.

²⁹ Гриб В.В. *Общественные советы как основные элементы системы общественного контроля РФ* / В.В. Гриб // *Российская юстиция*. -2015. - № 5. - С. 2-5.

³⁰ Тахоева S.S. *Konstitutsionno-pravovoy status Obshchestvennoy palati Rossiyskoy Federatsii: voprosi teorii i praktiki. Avtoreferat dissertatsii na soiskaniye uchenoy stepeni kandidata yuridicheskix nauk*. 12.00.02 – konstitutsionnoye pravo; munitsipalnoye pravo. – Moskva, 2009

³¹ Чумиков А.Н. *Связи с общественностью*. –М.: Дело, 2000. – С.17.

мутасаддиларнинг диққатини тортмоқчимиз. Биринчиси, талабалар билимини баҳолашнинг шаффоф ва адолатли, дарс берган ўқитувчи иштирок этмайдиган тизимни жорий қилиш бўлса, иккинчиси, талабанинг ўзлаштириш даражаси - профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони сифатида олинishi, учинчиси эса, профессор-ўқитувчиларни ишга олишда синов дарсларини ўтказишдир. Ҳақиқатан ҳам бу уч ҳолат таълим сифати ва самарадорлигини белгиловчи асосий омиллар қаторига киради.

Фуқаролик жамияти институтлари орқали ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ошириш муаммоси жаҳон тажрибасида янги тажриба бўлмай, бу ривожланган Ғарб ва Евро-атлантик давлатларда демократлаштириш жараёнининг ажралмас бир қисмидир. Чунки аксарият тараққий этган демократик давлатлар таълим тизимида, хусусан АҚШ таълим сиёсатида “инсонларнинг таълим олиши миллатнинг шаклланишидир”, деган тамойилга асосланган, яъни Америка каби келиб чиқиши миллатсиз ривожланган мультикультурал давлатда миллат фуқаролик маданияти кўрсаткичлари билан белгиланади ва юксак фуқаролик маданияти билан тарбияланган инсон миллатнинг бир қисмидир. Шунинг учун ҳам таълим сиёсати юқори маданиятли элитани етиштирувчи соҳа сифатида стратегик характерга эга.

Фуқаролик жамияти институтлари орқали ОТМларда жамоатчилик кенгашларининг самарадорлигини ошириш мавзуси алоҳида йўналиш касб этган соҳа таълим социологияси бўғинида ўрганилади. XX аср социологиясида ушбу масалани алоҳида мавзу сифатида ўрганилишини бошлаб берган Ғарб социологлари Макс Вебер ва Эмиль Дюркгейм бўлиб Америка таълим социологияси эса Роберт Мертон томонидан ривожлантирилган. Замонавий даврда мазкур масала алоҳида тадқиқ этилган илмий ишлардан бири Иммуноэль Валлерстейннинг “Биз билган дунёнинг тугатилиши” номли китобидир. Бу китобда Валлерстейн янги дунё таълим тизими ҳозир катта парадигмал, яъни шакл ва мазмун жиҳатдан ўзгаришлар арафасида тургани, фан-таълим эндиликда демократлушув ва инсонпарварликка хизмат қилмаса, дунё халокати муқаррар эканлиги, шунинг учун ҳам дунё таълим сиёсатини ОТМлар демократлашув ва ижтимоий ҳамкорликка қаратиши, илм, маданият ҳамда ахлоқий тарбиявий мезонлари асосида етиштирилган элитани^{*32} тарбиялашга қаратиши зарурлигини таъкидлаб ўтади.

^{*3} Элита сўзи одатий маънода жамиятнинг мағзини, қаймоғини ташкил этган камчилик ёки аристократ табақа сифатида келса, юқорида қайд этилган таълим тизимида элита сўзи дунёни асраб қолишга қаратилган инсонлар, комил инсонлар маъносида қўлланиляпти.

И.Валлерстейн ОТМ ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги сифатида Германия тажрибасини таҳлил этар экан, унга асосан фуқаролик жамияти ва отмларда жамоатчилик кенгашлари тизимининг институтлашган ҳамкорлиги шакли XX асрдан бери мавжуд деб тушунилсада, аслида бундай тизимлар XIX асрдаёқ Германияда мавжуд эди, дейди. 1872 йил Эйзенахда иқтисодчи ва ижтимоий фалсафа олимлари Г.Шмоллер ва Г.Шенберг ва б. дан иборат ташкил этилган “Ижтимоий сиёсат иттифоқи” мулкӣ ва ижтимоий тенгсизликни тугатишга қарши жамиятга таълим тизими орқали таъсир этиш гоёси асосида ҳамкорлик ишларини бошланғич таълимдан университетларга қадар бўлган даражада амалга оширганлар. Унга кўра бутун жамиятда бошланғич таълим мажбурий бўлиб, таълимнинг бошқа босқичларида бахтсиз ходисалардан суғурталаш, ёш категориясига қарамай иш жойларига тенг тақсимлаш тамойили алоҳида соҳалар бўйича иш олиб борувчи фуқаролик жамияти институтларида назорат қилиб борилган³³. XIX аср охири ва XX аср бошида Германиядаги бу механизм кенг миқёс касб этди. Чунки Германия таълим тизимида ОТМ доирасида таҳсил олиш ёш жиҳатдан чекланмаган. Бунинг сабаби шундаки, бир томондан Германия демографик жиҳатдан ёши катта аҳолиси аксарият фоизни ташкил қилувчи мамлакат, иккинчи томондан ундаги маданият даражаси энг етук даражадаги сифатни ҳосил қилиш тамойилига асосланган. Шунинг учун ҳам фуқаролари узлуксиз равишда ёши чекланмаган тарзда таълим олиши, ўзини такомиллаштириши ва таълим-тарбия деганда аксарият ҳолларда малакали мутахассиснинг касб нуқтаи-назаридан тарбия, яъни ўзи хизмат қиладиган соҳага тегишли миждозларга хизмат қила олиш кўникмаси, касбига эътиқод ва касбни жамиятда санъат даражасига олиб чиққан ҳолда тақдим эта олиш маданиятига эга бўлиши тушунилади³⁴.

Назорат саволлари:

1. Жамоатчилик назорати босқичлари нималарни ўз ичига олади?
2. Жамоатчилик назорати гуруҳларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад.
3. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш .
4. 2. ОТМдаги жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари.
4. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад.

³³ Валлерстейн И. Конец знакомого мира. – М: «Логос», 2004. – С . 235.

³⁴ Иудина А. Шпилив В. Современная немецкая социология(обзор): Образование в современной Германии. – Нижний Новгород: НИСОЦ, 2010. 60-стр.

5. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш.

6. Олий таълим муассасаларида Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришда .

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2017 йил 3 январь // «Халқ сўзи» газетаси

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

7. Исмоилов Б.И. Давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг амалий жиҳатлари // “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2007. – Б.113–116;

8. Солеев А. Ўзини ўзи бошқариш органлари – жамоатчилик назорати субъектлари сифатида // Фуқаролик жамияти. – Т., 2008.– Б.17–23;

9. Маматов Х. Фуқаролик жамияти – жамоатчилик назорати механизми // Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. – Т., 2008. –№4. –Б.34–35.

10. Чоршанбиев Ж. Фуқаролик жамияти шаклланишида жамоатчилик назоратининг аҳамияти // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. –Т., 2008. – №2. – Б.14.

Интернет сайтлар:

11. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

12. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

13. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.

14. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet.

15. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

16. <https://jamoatchilik.uz/>.

17. <http://ochiqlik.uz/>

18. <http://salohiyat.uz/>.

2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Режа:

1. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолияти таҳлили.
2. ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда ННТлар роли.
3. ОТМларда жамоатчилик назоратининг янги ва самарали механизмларини амалиётга жорий эти.
4. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли.

Таянч тушунчалар: Олий таълим муассасалари, жамоатчилик кенгашлари, фуқаролик жамияти институтлари, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, таъсирчан жамоатчилик назорати, оммавий ахборот воситалари, шаффофлик ва холислик тамойиллари, жамоат ташкилотлари, кадрлар буюртмачилари, таълим сифати, тизимли равишда мониторинг ўрнатиш.

2.1. Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолияти таҳлили.

ОТМнинг жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ–3775-сон қарорига мувофиқ, ОТМ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг вазифалари ва ваколатлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Мазкур Қарор ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 июлдаги “Олий таълим муассасалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 670-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида университетнинг 2018 йил 2 августдаги “Жамоатчилик кенгаши тўғрисида”ги 668-сонли буйруғи расмийлаштирилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 9 августдаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий Низомни

тасдиқлаш тўғрисида”ги 708-сонли буйруғи ижросини таъминлаш тақсадида университетнинг 2018 йил 20 августдаги “Вазирликнинг 2018 йил 9 августдаги 708 –сонли буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 717-сонли буйруғи расмийлаштирилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 октябрдаги “Вазирликнинг 2018 йил 9 августдаги 708 –сонли буйруғига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 846-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида университетнинг 2018 йил 23 ноябрдаги 945-сонли буйруғи расмийлаштирилди. Ушбу буйруқ билан вазирлик хузуридаги жамоатчилик кенгашининг 2018-2019 ўқув йили учун тасдиқланган иш режаси асосида ишлаб чиқилган университет жамоатчилик кенгашининг 2018-2019 ўқув йили учун иш режаси тасдиқланди.

Мисол учун бугунги кунда олий таълим муассасаларида Жамоатчилик кенгаши томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- 2018-2020 ўқув йилларида абитуриентлар қабулида ижодий имтиҳонларни шаффоф ўтиши учун назорат ишларини олиб борди.

- 2018-2020 ўқув йилларида давомида олий таълим муассасалари ўқув биноларига кириш жойларида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг дарс машғулотларига кеч қолишларини бартараф этиш ҳамда кийиниш одобига риоя қилишлари устидан назорат ўрнатилди;

- Жамоатчилик кенгаши таклифи билан олий таълим муассасаларида хизмат кўрсатган профессор, хизмат кўрсатган доцент, хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвонлари қайтадан тикланиб, унинг низоми ишлаб чиқилди ва университет ички буйруғи расмийлаштирилди.

олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган кафедраларнинг энг яхши профессор-ўқитувчилар машғулотлари ўрганилди, таҳлил қилинди ва декабрь ойи университет кенгаши муҳокамасига хавола қилинди.

Олий таълим муассасалари Ахборот ресурс маркази фаолияти, ҳолати, китоб фонди ўрганилди ва тегишли тавсиялар берилди. Жамоатчилик кенгаши ва Фахрийлар кенгаши ҳамкорлигида университет ҳудудидаги тозаликни сақлаш, ўқув биноларида кўргазмали тарғибот воситалари ва бошқаларни тартибга солиш мақсадида “Обод университет” ғояси илгари сурилди ва университетнинг ички буйруғи расмийлаштирилди.

Олий таълим муассасаларида Ишчи гуруҳ таркиби шакллантирилиб, бўлим бошлиқлари, факультет деканлари, кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчиларнинг дарс ўтиш жараёнлари ўрганилди унинг таҳлили ва муҳокамаси университетнинг навбатдаги кенгашига олиб чиқилди ва ҳар бир профессор-ўқитувчиларнинг ўтган дарслари танқидий таҳлил нуктаи-

назаридан кўриб чиқилди. Шу билан бирга электрон базага барча профессор-ўқитувчиларнинг хужжатлари, талабаларнинг баҳолаш рейтинг тизими, ҳисоботлари киритилиб, ушбу соҳада шаффофликни таъминлаш таъминланди. Шунингдек, жамоатчилик кенгаши Низомига мувофиқ профессор-ўқитувчилар ва барча талабалар учун университет ҳудудида жойлашган ошхоналар ва буфетларнинг ҳолати, санитария-гигиена талабларига риоя қилишлари, овқатларнинг нарх-наволари ишчи гуруҳ томонидан ўрганилди.

Жамоатчилик кенгаши ташкил этилиши университетнинг ўқув, тарбиявий, хўжалик, ободонлаштириш ва бошқа соҳаларида фаолиятни ташкил этишда катта ёрдам бериши мумкин бўлган ташкилот эканлиги кўринди. Унинг фаолиятдан коррупцияга қарши курашиш, уни олдини олиш, университет жамоаси ўртасида ижтимоий муҳитни янада соғломлаштириш масалаларида фойдаланиш ижобий натижалар келтириши кузатилмоқда.

Олий таълим муассасаларида Жамоатчилик Кенгашининг 2019 йил биринчи ярмида оширилган ишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев юртимизда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»³⁵ деб эълон қилганлиги, бунга бағишлаб 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилиниши билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Мазкур Дастурни ижроини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май куни “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони³⁶ қабул қилинган бўлиб, университет Жамоатчилик Кенгаши томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича ички дастур ишлаб чиқилди, коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай хизматларни рақамлаштириш муҳимлиги бўйича тарғибот ишлари олиб борилди ва мазкур иш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олий таълим муассасаларида Жамоатчилик Кенгаши томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашга хизмат қилиши ҳақида айтиб ўтди. Бу борада коррупцияга шароит яратувчи ҳолатларни ўрганиш

³⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент. 2019 йил, 28 декабрь.

³⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май куни “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

мақсадида талабалар, профессор-ўқитувчилар, университет ходимларининг фикр ва таклифлари ўрганилди ва булар асосида коррупцияни бартараф этиш, олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди; коррупция ҳолатларини аниқлашга ёрдам кўрсатувчи «холис талаба», «холис ходим» тизими ишлаб чиқилишига асос яратилди. Бу борада ҳуқуқбузарликлар ва уларга шароит яратувчи омиллар ҳақида хабар беришга имконият яратувчи телеграмм канални ишга тушуриш бўйича ишлар амалга оширилган бўлиб, улар ўз давом этмоқда ва шу орқали университет субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлигини таъминлашга замин яратилаётганлиги ҳақида айтиб ўтди.

Олий таълим муассасаларида Жамоатчилик Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиясининг 2020 йил 18 январь куни Олий таълим соҳасида коррупцияни олдини олиш ва уни бартараф этиш юзасидан вужудга келган аҳволни муҳокамасига бағишланган йиғилишда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 2020 йил учун “Йўл хариталари” ишлаб чиқилди ва келажакдаги вазифалар белгиланди.

Олий таълим муассасаларида Жамоатчилик Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиясининг 2020 йил 18 январь куни Олий таълим соҳасида коррупцияни олдини олиш ва уни бартараф этиш юзасидан вужудга келган аҳволни муҳокамасига бағишланган йиғилишда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 2020 йил учун тузилган “Йўл харитаси” ҳақида фикр билдирилди. Кенгаш раиси Республика ташкилотларида, айниқса олий таълим тизимида коррупция авж олганлиги, ушбу масала бўйича шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан коррупция Ўзбекистоннинг сийёсий-иқтисодий ривожланишига салбий оқибатларга олиб келаётганлиги ҳақида айтилаётганлиги, бу масалада Олий таълим муассасалари Жамоатчилик Кенгаши ўзининг қатъий позициясига эга бўлиши муҳим

Коррупциянинг вужудга келиши, у билан кураш олиб бориш инсоният ривожланишининг барча тарихий даврларда бўлганлиги ва ҳар бир маданий-тарихий даврда кураш ўзига хос усуллар билан олиб борганлиги ва маълум ютуқларга эришилганлиги, шу билан биргаликда курашиш усуллари жамиятдаги ўзгаришлар вужудга келиши, вақт ўтиши билан мутаносиб равишда ўзгариши кераклиги ва буни тарихий манбалар тасдиқлаганлигини айтиб ўтилди. Шу билан биргаликда, Кенгаш раиси олий таълимдаги коррупцияни қоралаб, уни ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмаслигини ва университет фаоллари биринчи ўринда бу иллат билан кураш олиб бориш кераклигига урғу берилди. Бу борада жамоатчилик кенгаши аъзолари

томонидан ўқув бинолари, аудиториялар ва талабалар турар жойларида доимий назоратни ўрнатиш, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ўртасида коррупцион ҳолатларни олдини олиш, Фуқаро мурожаатлари билан ишлаш кераклиги, Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятнинг пастлиги ва бу борада ҳам кенгаш аъзолари адолат ўрнатишга аҳамият беришлари муҳимлиги, бунинг учун таълим муассасасига сифатли профессор-ўқитувчилар ва ходимларни ишга қабул қилиш шаффоф бўлиши кераклиги; абитуриентларни қабули жараёнида, талабалар билимини баҳолаш вақтида шаффофликни таъминлаш, профессор-ўқитувчиларни коррупция билан курашиш бўйича билимдонлигини ошириш муҳимлиги, Коррупцион ҳолатларни олдини олиш бўйича тарғибот ишлар олиб борилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр билдириб ўтди. Юқорида билдирилган фикрларни асос қилиб Жамоатчилик Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш 2020 йил учун “Йўл харитаси”ни тузиш кераклигини ва тахминий намунадаги Жамоатчилик Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш “Йўл харитаси” тузилганлиги, таклиф ва мулоҳазалар бўлса Кенгаш аъзолари томонидан билдирилиши мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, жамоатчилик кенгашлари томонидан коррупцияга қарши олиб борилаётган ушбу тадбирлар ёшларимизнинг ҳуқуқларини ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга, жамият тараққиётига болта урадиган коррупция каби иллатни бартараф этишга кўмаклашади. Шу билан бирга олий таълим муассасасини “коррупциядан ҳоли ҳудуд” бўлишига олиб келади.

2.1. ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда ННТлар роли.

Таъсирчан жамоатчилик назорати мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотларга фуқароларнинг ишончини ошириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг қонуний ва ошкоралигини таъминлашга, имкон яратади. Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш давлатнинг бурчидир. Назорат функциясига эга бўлган давлат ўз ҳокимияти аппаратининг барқарор ва мутаносиб фаолият юритишини таъминлайди. Шу боис, нафақат давлат ижтимоий нормаларни ўрнатиб, жамиятни назорат қилади, балки жамият ҳам ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб, давлат ҳокимиятини назорат қилади. Мазкур икки хил назоратнинг фарқи шундаки, давлат назоратини амалга оширувчи органлар давлат номидан иш юритади ва тегишли давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлади, жамоатчилик назорати субъектлари эса жамоатчилик номидан иш

кўради ва унинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Мурожаатномада Учинчи Ренессанс янги Уйғониш даври сифатида эътироф этилгани бежиз эмас. Ўрта асрлар иккинчи ренессансда яшаган буюк мутафаккирлар нафақат илмий-назарий жиҳатдан, балки илмий-амалий жиҳатдан ҳам назорат (жамоатчилик назорати) масалаларига жиддий ёндашганлар ушбу мавзуга оид фикр мулоҳазаларни ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар. Масалан, Амир Темур ҳукмдор сифатида, Абу Али ибн Сино вазирлик мансабида, ўз одатига кўра, чин садоқат ва масъулият билан ишга ёндашган ҳолда молия девони ишларининг тафтиши давомида турли суиистеъмолликларга чек қўйди. Натижада, сарой атрофида ўралашган баъзи кимсаларнинг жиноий қилмишлари – фош бўлди. Улар ўз жиноятларига яраша жазоландилар.

Қадимда Шарқ Уйғониш даври мутафаккирларининг мукамал жамият ва давлат барпо этиш ҳақидаги ғоялари диққатга сазовор. Айниқса, Абу Наср Форобий сиёсий таълимотида ҳуқуқий фаолиятининг асосий мазмуни мукамал (фазилатли) жамият ва шаҳар-давлат барпо этиш ҳақидаги қарашлари билан боғлиқ. Форобий тасавуридаги мукамал жамият ва давлатнинг олий мақсади инсонларни том маънода бахт-саодатга эришуви йўлидаги вазифаларидан келиб чиқади. Шу боис, унинг фикрича, баркамол шаҳарлар – фазилатли, мукамал ижтимоий уюшма; ўрта аср реал воқелигидаги шаҳарлар эса – у ёки бу даражада жоҳиллик хусусиятларини ўзида мужассам этган “кичик жамият” бўлиб, агарда шаҳар – давлат оқиллик ҳамда ижтимоий ривожланишнинг зарурий ва ҳақиқий қонунларини англашга асосланган экан, уни, албатта, такомиллаштириш ва фозил жамият, шаҳар – давлат билан алмаштириш зарур, деб ҳисоблайди.

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва халқига қилган Мурожаатномасида жамоатчилик назорати, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланиши бунга эътибор берган ҳолда, тақлиф ва тавсиялар кўрсатиши бежиз эмас. Зеро, жамоатчилик назорати бўлмаган ёки жамоатчилик назорати етарли даражада кучга эга бўлмаган мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланишини ҳам тасаввур қилиш қийин. Жамоатчилик назоратини ташкил қилиш масалалари ҳақида тушунча ҳосил қилишдан аввал “жамоатчилик назорати” тушунчасини унга турдош тушунчалари билан умумий жиҳатлари ва тафовутларини аниқлаб олиш лозим.

Ҳозирги кунда қонунчилик ва оммавий ахборот воситаларида – жамоатчилик назорати, ижтимоий назорат, фуқаролик назорати каби атамалар ишлатилмоқда. Мазкур атамалар кўпинча синоним сифатида баъзан

ноўрин қўлланмоқда. Фуқаролик назоратини ҳеч бир жамоат бирлашмасига аъзо бўлмаган фуқаро ҳам амалга ошириши мумкин. Жамоатчилик назоратини эса алоҳида фуқаролар эмас, жамоат бирлашмалари ва уларнинг вакиллари амалга оширади.

Жамоатчилик назоратида – бу жараёнга эмас, кўпроқ натижага эътибор, бу натижа қонун устуворлигини таъминланган ҳолда амалга оширилиши даркор.

Жамоатчилик назорати – жамоат назорати ривожланган фуқаролик жамияти кўрсаткичи сифатида демократик ва ҳуқуқий давлатнинг зарурий хусусияти бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ходиса сифатида фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини мустақил ҳимоя қилишига қаратилган фаолият.

Мурожаатномада айнан шу фаолиятга яъни жамоатчилик назоратини таъминлашда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни, энг аввало, таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби муаммоли соҳаларда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишларни ташкил этиш учун 2021 йилда бюджетдан 60 миллиард сўм йўналтирилиши ижобий ҳолдир.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бинобарин, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ходисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Мурожаатномада таъкидланганидек, раҳбарларнинг халқ томонидан назорат қилиниши сиёсий барқарорлик ва давлат тараққиётининг омили эканлиги тўғрисидаги ғоя Арастунинг тадқиқотларида ҳам учрайди. Давлатни фуқаролар, давлат ҳамда мансабдорлар иттифоқи сифатида талқин қилган Ш.Монтескье унинг ҳукуматсиз мавжуд бўла олмаслигини таъкидлайди. Унга кўра, қонунлар фуқароларнинг ҳукумат фаолиятини назорат қилишига имкон яратади. Мурожаатномада таъкидланганидек, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни пухта ўрганиш ва етук мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишнинг ижобий натижасини кўрсатиш муҳим.

Айниқса, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат ноижорат ташкилотлари кенг жалб этилади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

мувофиқ иш кўришлари белгиланган бўлиб, бу конституциявий нормалар, шунингдек, тўғридан-тўғри ва бевосита амал қилиши тартибини ҳам белгилайди”.

Жамоатчилик назоратининг субъекти: маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар,

Қонунчилик палатасида нодавлат ноижорат ташкилотларининг доимий вакили институтини жорий этишни таклиф қиламан. Ушбу вакил қуйи палата йиғилишларида иштирок этиш, қабул қилинаётган қонунларга таъсирчан жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик масалаларини киритиш бўйича таклифлар бериш ваколатига эга бўлиши зарур, деб ҳисоблайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

нуронийлар, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларидан иборат бўлиб, уларнинг сони бугунги кунда **9000** дан зиёдни ташкил этади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жамоат ташкилотлари жамоатчилик назоратини амалга ошириш

асносида халқ ва давлат ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда. Бугунги кунда жамоат ташкилотлари ўртасида ёшлар, блогерлар, маҳалла, хотин-қизлар мутаносиб кетма-кетликда ўзининг ижтимоий қамрови бўйича ижтимоий фаоллик кўрсаткичлари юқори, деб ҳисобланмоқда.

Конституциянинг 18-моддасига мувофиқ: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”. Мазкур нормада инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғридан-тўғри, бевосита амал қилади ва улар қонунларни қўллаш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятининг фаолияти мазмун-моҳиятини белгилайди ва суд томонидан таъминланади, негаки, фуқаролик жамияти (институтлари) жамият ва давлат ўртасидаги қайта алоқаларсиз фаолият юритиши мумкин эмас, бу принцип жамоатчилик назоратининг тегишли ҳуқуқий механизмлари ва унинг субъектлари фаолиятининг мустақиллигини белгилайди.

Мурожаатномада Ўзбекистоннинг ҳозирги босқичдаги миллий тараққиёт андозасига, стратегик мақсадларига, тадрижий-ислоҳий сиёсатига мос келувчи давлат бошқаруви ва ҳокимият институтларининг ривожланиши учун замон талабига мос, янги тенденция асносида, оптимал фаолиятларини татбиқ этишга қартилган хусусан вакили институтини жорий этиш юзасидан таклифлар берилган. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ННТ доимий

Конституциянинг 32-моддасида: “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунларда белгиланган талабларнинг бажарилиши таъминланишига алоҳида эътибор қаратилган.

Маҳаллий давлат бошқарувида таъсирчан жамоатчилик назорати - давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмига органик “ички” элемент бўлиб, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш муҳим омиллардан бири бўлиб, аҳолининг ижодий фаол фуқаролик салоҳиятини амалга ошириш учун оқилона тузилган тизим орқали барча зарур воситалар ва жамият устидан давлатнинг мақсадли таъсирини ҳамда назоратини таъминлайди.

Юқорида Бош қомусимизга мурожаат қилганимиздек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, эркин ва объектив оммавий ахборот воситалари, аввалгидек, мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда фаол иштирок этадилар.

Германияда жамоатчилик назорати объектлари: давлат органлари, жамоат ташкилотлари, жамоалар ва уларнинг ассоциациялари, илмий муассасалар, марказий илмий ташкилотлар, мактаблар, давлат органлари

Олий Мажлис палаталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан икки ой муддатда ўз таклифларини ишлаб чиқиши зарур. Бунда Омбудсман томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига “мониторинг ташрифлари” тизими йўлга қўйилиши керак.

Ш.М. МИРЗИЁЕВ

сифатида фаолият юритадиган хусусий юридик институтлар фаолияти ҳисобланади. Францияда давлат бошқаруви судлар, банклар ва ҳоказоларга бўйсунуши мумкин. Қўшма Штатларда фуқаролик назорати

институти полиция фаолиятига нисбатан қўлланилади. Ҳозирги кунда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати фаолияти бунга намуна сифатида эътироф этиб ўтилиши ижобий. Мурожаатномада Ўзбекистон Республикасидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг қийноқларни олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга доир таклифлар ишлаб чиқиши лозимлиги қайд этилди.

Жамоатчилик назорати ижтимоий ҳамкорликнинг асосий воситаси ҳисобланади. У ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш учун хулқ-атвор, инсонлараро муносабатлар ва тартиб-интизомни назорат қилади. Ҳар бир киши жамиятда яшар экан, мавжуд қоидалар ва қадриятларга бўйсунуши, меъёрларга амал қилишга мажбур. Айнан шу меъёрларга амал қилиш учун жамоатчилик назорати зарур, бу ижтимоийлашувни келтириб чиқариб, ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиради ва жамиятда бирликни юзага келтиришга хизмат қилади. Жамиятда меъёрларнинг амал қилиши унинг аъзолари томонидан қабул қилинганини англатади. Уларга амал қилмаганларни жамоатчилик назорати аниқлайди ва жавобгарликка тортади.

Ўзбекистон Республикасида Жамоатчилик назорати – фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий стандартларга мос, мувофиқлигини текшириш ва аниқланган ҳуқуқбузилишларни (тегишли давлат органларига мурожаат қилиш орқали) тузатиш мақсадидаги тизимли фаолиятдир, ушбу таърифни эътиборга олган ҳолда аниқ фаолият механизми, яъни Жамоатчилик кенгаши орқали амалга оширилиши муҳимлигини ҳам қайд ўтиб ўтиш зарурлиги – давр талаби.

2.3. Жамоатчилик назоратининг янги ва самарали механизмларини амалиётга жорий этиш.

Бугунги туб янгиланишларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ғоявий асосини шубҳасиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармон³⁷ асосида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси ташкил этади. Ушбу амалий дастурнинг бешинчи устувор йўналишида “давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш” масаласи алоҳида кўрсатилган.

Мазкур ҳуқуқий асосга таянган ҳолда Ўзбекистонда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик бундан кейин ҳам юксалиб бориши Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган

³⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

мурожаатномасида яна бир бор эътироф этилди.

Мурожаатномада Ш.Мирзиёев томонидан қуйидаги муҳим ташаббус илгари сурилди: “барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қиламан. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим”³⁸.

Давлатимиз раҳбари барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф этар экан, ушбу таклиф нафақат янгича ёндашув, балки демократлаштириш жараёнлари замонавий тажрибасидан келиб чиқмоқда.

Дарҳақиқат, барча даражадаги давлат органлари, айниқса, олий таълим муассасалари қошида жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилаб берди:

- Таълим сифати, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, талабаларга яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш;

- Олий таълим муассасаларига профессор-ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилинаётган номзодлар бўйича тавсиялар бериш;

- Талабаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог кадрлар ҳақидаги фикрини тўлиқ ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш;

- Олий таълим муассасасидаги таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва муассасанинг тегишли кенгаши муҳокамасига киритиш.

Шунингдек, 2017 йил 30 июнда "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши" ташкил этилди. Ушбу Жамоатчилик кенгаши Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш самарадорлигини, мазкур соҳада илмий, ўқув-методик адабиётлар, маънавий-маърифий ишлар сифатини оширишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон миллий давлатчилигининг вужудга келиши ва тараққий топишининг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш, илм-фаннинг таълим ва бошқа ижтимоий соҳалар билан интеграцияси механизмларини мустаҳкамлаш борасида илмий, маданий, таълим, жамоат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 й. 22 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – www.president.uz.

мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларда, мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш каби масалалар юзасидан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини таъминлаш юклатилган³⁹.

2017 йил июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Давлат тест маркази** фаолиятини очик ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида унинг қошида жамоатчилик кенгаши тузилди⁴⁰. Бу ҳам давлатимиз раҳбариятининг олий таълим ривожланиши туғрисида ғамхурлигидан далолатдир.

Ҳозирги кунга қадар, мамлакатимиздаги давлат органлари қошида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш борасида муайян тажриба мавжуд. Хусусан, 2012 йилда Мудофаа вазирлиги фаолиятида ошкоралик ва очикликни таъминлаш, фуқаролар ва жамоатчиликнинг мудофаа ва ҳарбий соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсатида иштирокини таъминлаш, ҳарбий хизматнинг нуфузини кўтариш, ҳарбий хизматни ўтаётганлар ва чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш мақсадида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилган эди⁴¹. Ушбу Кенгаш мудофаа соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, жамоат бирлашмалари ва Мудофаа вазирлиги ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида иш олиб бормоқда.

Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида **давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш**, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор ахборотларни тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий этиш давлат бошқаруви тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

2016-2018 йй. ҳар бир ярим йилликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган **Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари (ДҲваБО) фаолиятининг очиклиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш жамоатчилик кенгаши** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг натижаларини

³⁹ Қаранг: "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 3 июль, 26-сон, 583-модда.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази туғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 й. 17 июлдаги қарорига илова // Ўзбекистон Республикаси онун ҳужжатлари Миллий базасининг веб-сайти – www.lex.uz.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 й. 24 октябрь "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида жамоатчилик кенгашини ташкил этиш туғрисида"ги Қарори // "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси"нинг веб-сайти - www.lex.uz.

эълон қилади⁴².

Ҳукуматнинг қарори билан миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятлари, ижодий уюшмалар, давлат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ҳузурида Жамоатчилик кенгаши** ташкил этилди. Қуйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади: кўмитанинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор фаолиятининг энг муҳим масалалари юзасидан жамоатчилик фикрининг тизимли мониторинги олиб борилишини ва ҳар томонлама таҳлил қилинишини амалга ошириш; Кўмита фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларнинг Кўмита ходимлари ўртасида муҳокамасини ташкил қилишда иштирок этиш ва б⁴³.

Жамоат тартибини сақлаш, авваламбор, вояга етмаган ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг бузғунчи таҳдидларни барвақт аниқлаш бўйича яқдил ҳаракатларни, уларни ҳамкорликда ва сифатли бартараф этилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрининг туманларида **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тадбиркорликни ривожлантириш ва муаммоли оилалар билан ишлаш устидан назорат қилиш жамоатчилик кенгашлари** тузилди. Кенгаш таркиби Тошкент шаҳри тумани Халқ депутатлари Кенгаши депутати раислигида маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари, фан, маданият ва санъат вакиллари, машҳур спортчилар ва бошқа жамоатчилик вакиллари ҳисобидан шакллантирилди. Кенгаш маҳаллалар ва Тошкент шаҳри тумани Халқ депутати Кенгаши депутати

⁴² Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини ривожлантириш жараёнларига кўмаклашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 й. 6 ноябрдаги Қарори асосида ташкил этилган. Бу туғрида журнал ушбу сонининг алоҳида мақоласини танишинг.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 й. 25 декабрь “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси онун ҳужжатлари Миллий базасининг веб-сайти – www.lex.uz.

сонига мутаносиб равишда секторларга бириктирилди⁴⁴.

2017 й. охирида Ўзбекистон энг янги тарихида илк бор **махаллий ҳокимият ҳузурида Жамоатчилик кенгаши** ташкил этилди. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туман ҳокимиятининг Жамоатчилик Кенгаши ҳокимиятга туманни ривожлантириш масалалари бўйида маслаҳат бериш билан шуғулланади. Янги ташкил қилинган Жамоатчилик кенгаши 21 кишидан иборат бўлди. Ҳокимият Кенгаш фаолиятига халқ таълими, соғлиқни сақлаш, бизнес, фан, маданият ва ёшлар билан ишлаш соҳаларидан яхши хабардор бўлган мутахассиларни таклиф қилди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш таклифи замонавий демократлаштириш жараёнлари тажрибасидан келиб чиқмоқда.

Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат ноижорат ташкилоти мавжуд⁴⁵. Бу каби демократик институтлар турли ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда, аҳоли турли қатламлари манфаатларини рўёбга чиқаришда иштирок этмоқда. Бу ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлигини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Барча давлат органлари қошида жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши, ушбу органлар фаолияти йўналишига яқин соҳада фаолият олиб борадиган нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида ташкил этиладиган бундай жамоатчилик кенгаши – фермерлик соҳасидаги жамоат ташкилотлари учун муҳим ҳамкорлик воситасига айланади. Ёки, бундай жамоатчилик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси қошида ташкил этилса, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги таъминлашни мақсад қилган жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари янада мустаҳкамланади.

Яна бир муҳим масала, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик Кенгашлари нафақат марказда, балки ҳудудларда ҳам ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятидаги қонун устуворлиги таъминлаш масаласи, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 й. 14 февраль “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси онун ҳужжатлари Миллий базасининг веб-сайти – www.lex.uz.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 й. 22 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – www.president.uz.

алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу масаланинг долзарблиги ҳисобга олиниб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2018 йил – «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига ҳам киритилди. Хусусан, Давлат дастурининг 30-бандида: “Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида барча давлат органларида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш” вазифаси ўз аксини топган.

Унда мазкур Жамоатчилик кенгашларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини яратилиши, уларда давлат органларида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш; давлат органлари фаолиятининг янада халқчил ва демократик бўлишини таъминлаш чоралари; давлат органларига фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш, жисмоний ва юридик шахслар – мурожаат этувчиларни эшитишда иштирок этиш; давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш вазифалари назарда тутилади⁴⁶.

Умуман, барча даражадаги давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши, давлат ва нодавлат сектори ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга, у орқали аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тизимли ўрганиш ва ҳал этишга, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ижобий натижаларга эришишга замин яратади.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан ижтимоий ҳаётда адолат ва қонунийлик таъминланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари рўёбга чиқарилиши борасида, жамият манфаатлари муҳофазаланиши юзасидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати ҳам давлат назорати каби кенг кўламли тарзда шакллантирилиши бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, фуқаролик жамиятининг муҳим хусусияти унинг давлат органлари фаолиятини самарали назорат қила олишидир. Фуқаролик жамиятида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати унинг

⁴⁶ Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2018 йил – «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти - www.lex.uz.

институтлари томонидан амалга оширилади. Давлат назорати билан бир қаторда жамоатчилик назоратини кучайтириш – давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг ишончли механизми сифатида майдонга чиқади. Шу муносабат билан фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бўлмиш “жамоатчилик назорати” тушунчасига тўғри юридик таъриф берилиши амалий ва назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга масаладир. Чунки “жамоатчилик назорати” тушунчасига хорижий ва миллий юридик адабиётларда берилган таърифларда олимлар яқдил фикрда эмас. Бу борада муайян бир ёндашувни шакллантириш учун ўқув ва илмий адабиётларда жамоатчилик назорати тушунчаси қай тарзда талқин этилиши борасида эътибор қаратиш зарур. Ўзбекистон юридик энциклопедиясида, жамоатчилик назорати – бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат, деб қайд этилган. Р.Ҳакимовнинг фикрича, жамоатчилик назорати кучли фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиларидан бўлиб, фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслар фаолиятини қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан мунтазам назорат қилишни англатади.

Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидаги бир қатор вазифалари мавжуд: давлат сиёсатини шакллантиришда давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув– фаолиятининг очиқлигини таъминлаш; давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқлари– ва қонуний манфаатларини ҳамда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш; жамият учун аҳамиятли бўлган муаммоларни ва давлатнинг ривожланиши учун– кенг оммавий муҳокама шакллари механизмини ишлаб чиқиш, ривожлантиришдан иборат.

Бугунги кунга келиб ҳудудларда ташкил этилаётган олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг замонавий усуллари, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини танлаш ва фаолиятини ташкил этишда жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллаш ва ижтимоий-ўқув жараёнда бу воситалардан кенг фойдаланиш ўзининг ижобий натижасини кўрсата бошлади.

2.4. ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар кенг кўламлилиги билан ажралиб туради ва ҳозирги кунда эса ўқув жараёнида таълим сифатини кескин ошириш долзарб масала сифатида қаралмоқда. Мамлакатимизда узлуксиз таълим таълим тизимини ислоҳ қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш “Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”даги вазифаларни босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий таркибий қисмлари бўлган-шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги таълимнинг келажакдаги асосий асосий мақсадларини белгилаб беради. Таълим сифати таълим тизими ва жамоатчилик назоратини талабларининг реал эришиш мумкин бўлган натижалари билан тавсифланади. Шунинг учун ҳам олий таълим муассасаларида самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланиб, олий таълим муассасаларида ўтилаётган фанларнинг назарий ёки амалий хусусиятга эга бўлишидан қатъий назар, доимо ўзгариш ва янгиликларда бўлади⁴⁷.

Таълимни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнлари олий таълим тизимида, айниқса, яққол намоён бўлади. Бу ерда дарс бериш жараёнида янги технологиялар таълим сифатини ошириш мақсадида доимий равишда жорий этилади. Бу жараёнда олий таълим сифатини таъминлаш жараёнларига илғор хорижий тажрибалар, халқаро стандартлар ва самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ривожланган хорижий мамлакатларда таълим мамлакат ички сиёсатига фаол таъсир этадиган ижтимоий жараёнлардир.

Шу туфайли юртимизда Олий таълим муассалари жамоатчилик назоратини ташкил этиш самарадорлигини оширишда, эҳтиёжини иқтисодий таъминлашга ажратилган маблағлар миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. Таълимда самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш қатъий назоратга олинмаса, олий таълим муассасасининг ўқув жараёнида маълум муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Шунинг учун таълимда самарали жамоатчилик назоратини ташкил этишда ўқув жараёни билан боғлиқ омилларни эътибордан четда қолдирмаслик жамоатчилик назоратининг самарали ишлашини таъминлайди. Таълим муассасасида самарали жамоатчилик назоратини ташкил этишга

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш” Концепцияси.

мослашган бошқарув ва узлуксиз ўқув тизимига эга бўлиш ҳамда бошқарувни микдордан сифат даражасига ўтишни талаб этади

Ривожланган давлатлар тажрибасида ННТларининг ОТМ билан жамоатчилик кенгаши соҳасидаги ҳамкорликдаги фаолиятини республикамиз таълим тизимига татбиқ этишда бу манбага ижодий, танқидий ёндашиб, миллий ментал хусусиятларни эътиборга олган ишлаб чиқилган амалиёт моделига эҳтиёж мавжуд ва бу модел ижтимоий ҳамкорлик ҳамда ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида шакллантирилиши зарур.

Республикамиздаги олий ўқув юртларида хорижий олий таълим муассасаларидаги каби жамоатчилик кенгашлари самарали ишлай бошласа, муассасанинг автоном ишлаш тамойилини майдонга келтиради, унинг ривожланиши, мутахассисликларни танлаш, ишлаб чиқариш ҳамда фан интеграциясини рўёбга чиқариш имкониятларини оширади.

Олий таълим тизимида жамоатчилик назоратини жорий этиш ва самарадорлигини оширишда анаънавий ва ноанаънавий усуллар асосида дарсларни ташкил этиш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири сифатида баҳоланмоқда ва жараёни ташкил этиш талаба – профессор-ўқитувчи – ОТМ ижтимоий ҳамкорлиги механизмининг ривожлантиришда долзарблик касб этади.

Олий таълим тизимин бошқаришнинг янги механизми, таълим соҳасида ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш, технологик инновацияларни ўзлаштириш куйидагиларга имкон беради: таълим маҳсулотлари ва хизматлари истеъмолчилари кўпаяди; турли таълим муассасалари ўртасида кадрлар тайёрлаш бўйича соғлом рақобат муҳити яратилади ва ривожлантирилади; уларнинг истеъмолчилар учун курашиши кучаяди; ўқитишнинг янги шакллари ҳамда олий таълимни ривожланиши жараёнида таълим маҳсулотлари ва хизматларини таклиф этиш ортади ва натижада таълимда ижтимоий трансформациялашув жараёни амалга ошади.

Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари кўрсаткичларининг хусусиятлари мос ҳолда, таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш бугунги куннинг талабига айланди.

Олий таълим муассасалари ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этишда олий таълим муассасаси ички жамоатчилик кенгаши фаолиятини тизимли равишда такомиллаштириб бориш, интегратив усулда ташкил этиш нафақат профессор-ўқитувчиларга, қолаверса, ўқув жараёнига ҳам таъсир кучига эга

бўлади.

Жамоатчилик назоратининг самарали бўлиши унинг субъектлари томонидан илгари сурилган таклифлар, ташаббуслар ёки сўровлар келажақда мазкур масала ўз ечимини топишда, қайсидир маънода ҳуқуқий таъсир чораларининг кўрилиши, унинг юқори даражадаги ифодаси сифатида эса айнан олий таълим муассасалари фаолияти мисолида ҳам тегишли чоратadbирларни амал ошириш юзасидан қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига олиб келиши, натижада ОТМларнинг сифат ва самарали механизмга айланишига эришиши билан ифодаланади.

Ҳозирда келиб мамлакатимизда жамоатчилик назорати назариясига мансуб мавжуд манбаларни аниқлаш, замонавий давлатлардаги жамоатчилик назорати моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини, мазмуни ва хусусиятларини ўрганиш ҳамда ифодалаш орқали Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини такомиллаштиришга етрали замин яратилганлиги бевосита олий таълим муассасалари фаолиятини замонавий руҳда ташкил этишда муҳим амалий ва назарий компонентларни яратиб бераётганлиги маълум бўлмоқда.

Олий таълим муассасаларида жамоатчилик кенгашлари фаолиятида инновацион технологияларни жорий этиш, стандартлаштириш тармоқ ва тармоқлараро даражаларнинг зарурий боғланишини таъминлайди. Бу ўз навбатида олий таълим муассасаларин замонавий тизимни ривожлантиришга ва тизимда ички локал ва интеграцион платформани ташкил этишда самарали усул ҳисобланади.

ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- ННТларининг олий таълим муассасасидаги жамоатчилик кенгаши самарадорлигини оширишга таъсири, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида ўзига хос жиҳатларини оммалаштиришда амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштиришда ННТлари имкониятидан унумли фойдаланиш, талаба-ёшлар ўртасида мазкур ташкилотлар билан ҳамкорликда жамоатчилик кенгаши самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

- Профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги бюрократик омилларни бартараф этиш, баҳолаш мезонларидаги шаффофликни кучайтириш, талабалар билимини баҳолашда адолатни таъминлаш;

- Кафедралар ва факультетларнинг йиллик ҳисоботларини ректорат томонидан кўриб чиқишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

- Университет профессор-ўқитувчиларини ва ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва уларга мукофотлар белгилашда ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилиши, мукофотланишда шахснинг ўз хизмат

вазифаларини ҳалол ва виждонан бажарилишини, жамоат ишларида, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирокини ҳисобга олинишини ҳамда ҳаммага бир хил миқдорда мукофот берилишига йўл қўймаслик кабиларни назорат этиш ҳамда тавсиялар бериш;

- Абитуриентлар ва магистратурада таълим олиш учун талабгорлар хужжатларини қабул қилиш, барча касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш, уларнинг билимини баҳолаш, ўқишни қўчириш ёки қайта тиклаш жараёнларида суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш, бу борада жамоатчилик кенгашларининг ролини ошириш ва шаффофликни таъминлаш;

- Олий таълим муассасаларида илмий ва ўқув фаолитни тизимли ташкил этишда жамоатчилик назоратининг аниқ шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш.

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, жамоатчиликка ахборот тақдим этишнинг тезкор ва замонавий шаклларини жорий этиш;

- Олий таълим тизимида педагог кадрларни ишга қабул қилиш, лавозимларга танлов ўтказишда адолат ва очиқликни таъминлаш, ўқув йили якунлари бўйича педагог кадрлар фаолиятига баҳо бериш, бу борада жамоатчилик назоратининг янги ва самарали механизмларини амалиётга жорий этиш;

- Жорий ва оралик баҳолашларнинг жадвал асосида ўтказилиши, жадвалга риоя қилмасликнинг сабаблари, жорий, оралик баҳолашларда талабаларга қўйилаётган баҳоларнинг асосланганлиги, талабаларнинг жорий ва оралик баҳолашларда ёзган ёзма ишлари ва бажарган топшириқларининг одилona баҳоланганлиги, бу ишларнинг амалга оширилишида профессор-ўқитувчилар томонидан таниш-билишчиликка йўл қўймаслик, талабалар билимини баҳолашга ҳолисона-одиллик билан ёндашиш каби ишларни ўрганиш ва таҳлил этиш, тегишли хулосалар тайёрлаш, тавсиялар бериш. Глобал пандемия шароитида барча назорат ишлари электрон базага ўтказилганлиги, олий таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиниши, шаффофликнинг таъминланиши;

- ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятида инновацион технологияларни жорий этиш уларнинг ишларида катта самара беради, ошкоралик, шаффофлик таъминланиши билан бирга ҳар бир талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг назорати кучайиши;

- Ички инспекция билан ҳамкорликда кафедраларда профессор-ўқитувчилар томонидан ўзаро дарсга кириш, очик ўқув машғулотларини, муаммоли дарсларни ташкил этиш режаларининг талаб даражасида бажарилишини текшириш. Зарурий ҳолларда тегишли мутахассислар иштирокида ишчи гуруҳлар тузиб, ўқув машғулотлари сифатини ўрганиш, тавсиялар бериш;

- Жамоатчилик назоратини амалга оширишни самарали ташкил этиш учун давлат, нодавлат ташкилотлари ҳамда олий таълим муассасаларининг ижитмой ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш орқали ижтимоий интеграциялашув платформасини ишлаб чиқиш.

- Жамоатчилик назоратини илмий-назарий таҳлил этилиши ҳамда замонавий йўналишлари тадқиқ қилинишини олий таълим муассасаларида ҳам кенг ўрганиш ва мақсадли дастурий баъзани яратиш.

- Олий таълим муассасаларида жамоатчилик назоратини шакллантиришнинг янги йўналишлари ва истиқболларини аниқлаш мақсадида халқаро ҳамда миллий доирадаги конференциялар ва давра суҳбатларини тез-тез ўтказиб туриш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда келтирилган тавбиялар бажарилсагина катта натижадорликка эришилади. Олий таълим муассасасининг нуфузи ортиб боради, энг асосийси билимли мутахассислар етишиб чиқади ва чет эллик талабаларнинг қизиқиши ортиб, Ўзбекистонда ўқиш истаги пайдо бўлади.

Назорат саволлари:

1. Жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари нима?
2. Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан ким таъминлайди?
3. Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом қачон тасдиқланган?
4. Олий таълим муассасалари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари таркибини аниқлаш ва тасдиқлаш тартиби ҳақида маълумот беринг.
5. Олий таълим муассасалари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари аъзоларининг ҳуқуқлари ҳақида маълумот беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. –Т.: 1997.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”– Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни 2014 йил 5 май ЎРҚ-376 –сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони .

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 - сонли Фармони. Тошкент “Адолат” 2017 й. www.lex.uz.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3775-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 20.04.2017 йил.№ ПҚ-2909 - сонли Қарори

10. 10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли Қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июльдаги № ПҚ 3151 – сонли Қарори

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

13. 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармони // www.lex.uz.

16. 14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

17. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.488.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрда мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувида сўзлаган нутқидан.// Халқ сўзи, 2016 йил 31 декабрь.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СТРАТЕГИК ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ (2 соат)

Режа:

1. Ташкилотнинг стратегик қарор қабул қилиши билан боғлиқ бўлган бошқарув ва лидерлик услубларини баҳолаш
2. Бошқарув ва лидерлик услубининг стратегик қарорларга кўрсатадиган таъсири
3. Асосланган стратегик қарорлар қабул қилиш усуллари
4. Стратегик қарорлар самарадорлигини баҳолашда тизимли таҳлилдан фойдаланиш

Одатда стратегик қарорлар узоқ муддатли хусусиятга эга бўлиб, ташкилот ҳаёти ва фаолиятининг барча томонларига катта таъсир кўрсатади. Стратегик режалаштириш - стратегик менежментнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Стратегик режалаштириш, дастлаб, хусусий секторда кенг тарқалган бўлиб, доимо ўзгариб келаётган ташқи муҳитга самарали жавоб қайтариш учун, давлат секторлари ва ношароит ташкилотларида қўлланила бошланган. Соҳа мутахассислари томонидан тузилган ОТМлари учун стратегик режалаштириш бир-бирига боғлиқ бўлган уч босқичдан иборат.

Улардан **биринчи босқичи** стратегияни аниқлаш бўлиб, бу босқичда стратегик қарор қабул қилиш учун бир қатор амаллар бажарилиши керак. Аввало, стратегик режалаштиришнинг таркибий тушунчаларига кирувчи маданият, кадрият, муносабатлар, перспектива(истиқбол), миссия, узоқ муддатли мақсад ва вазифалар аниқлаб олиниши зарур, чунки бундай тушунчалар турли жамиятларда турлича бўлади. Иккинчидан, олий таълим муассасаларига кескин таъсир этувчи сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, технологик, демографик каби ташқи муҳитлар баҳоланиб олиниши муҳим. Раҳбарият эса бу таъсир кучларига самарали жавоб қайтаришнинг муқобил чора-тадбирлари ишлаб чиқишлари керак.

Учинчидан эса, олий таълим муассасаларининг келажакда ўз мавқеини сақлаб қолиш ёки илғорлашиб кетишига асос бўлувчи ўзининг кучли ва заиф томонлари, яъни молиявий ресурси, инсон ресурслари, академик ва илмий салоҳияти кабиларни баҳолаб олиши лозим.

Шу каби ички ва ташқи факторларнинг аниқлаштириб олиниши раҳбарият учун олий таълим муассасасининг миссия ва вазифаларига монанд стратегияларини аниқлаб олиш имкониятини беради.

Стратегиялар ОТМнинг асосий йуналишлари ҳисобланган ўқитиш, илмий тадқиқот ва талабалар масалалари бўйича белгиланади. Чадвикнинг таъкидлашича, университетлар ўзларининг таълим жараёнлари, ўқитиш ва ўргатиш, илмий тадқиқот каби фаолиятлари бўйича сифатни оширишга жавобгарликлари ошиб бораркан, академик ходимларнинг

таълим жараёниларини янада кенгроқ тушуниб боришлари лозим бўлади

Стратегик қарор – бундай турдаги қарорлар таълим муассасаси олдида қўйилган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этиб, унда муассасанинг узоққа мўлжалланган ривожланиш вазифалари ва мақсадлари белгиланади. Стратегик қарорларни қабул қилишда таълим муассасасининг истиқболли ҳаракат дастури асос қилиб олинади.

Стратегик қарор мақсадга эришишда муҳим аҳамиятга эга. У юқори бошқарув органлари томонидан туб ва истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш мақсадларида қабул қилинади. Бундай дастурларга:

- Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш.
- Рақобат муҳитини шакллантириш.
- Чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш.
- Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш каби дастурлар мисол бўла олади.

Тактик қарорлар мақсадга эришишнинг восита ва усуллари хусусидаги жорий, тезкор қарорлардир. Масалан:

- Корхона, фирманинг жорий режаларини тузиш ва жорий қилиш.
- Кадрлар масаласини ҳал қилиш ва ҳк.

Мазкур қарорлар юқори ва ўрта бўғин раҳбарлари томонидан узоғи билан икки йилгача бўлган муддатга қабул қилинади.

Умумий қарорлар бир хил муаммога дахлдор бўлиб, барча бўғинлар учун бирдек амал қилади. Масалан, иш кунининг бошланиши ва тугаши, тушлик вақти, иш ҳақини тўлаш муддатлари ва бошқа танаффуслар.

Махсус қарорлар тор доирадаги муаммога тааллуқли бўлиб, корхонанинг муайян бир бўлими ёки бир гуруҳ ходимлари юзасидан қабул қилинади.

Стереотип қарорлар одатда қатъий йўриқномалар, меъёрий ҳужжатлар доирасида қабул қилинади. Бундай қарорлар баъзан кундалик, баъзан масалалар бўйича қабул қилинади, лекин ўзгаришлар асосан муддатларга, айрим сифат параметрларига, ижрочиларга тааллуқли бўлади.

Раҳбар стереотип қарорларни одатда ортиқча тайёргарликсиз қабул қилади. Ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатиш, корхонанинг фаолиятини рисоладагидек бошқариш юзасидан чиқарилган буйруқларни

шундай қарорлар жумласига киритиш мумкин.

Ташаббусли қарорлар ўз тавсифига кўра нотоварлик мазмунига кўра эса истиқболни назарда тутадиган қарорлардир. Бундай қарорлар вазиятни синчковлик билан батафсил ўрганишни, махсус кузатув материалларига асосланишни, махсус ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишини талаб қилади. Ташаббусли қарорлар эркин ҳаракатга асосланиб қилинади.

Анъанавий қарорлар - бу одатий вазиятларда қабул қилинадиган қарорлардир. Уларнинг амал қилиш доираси олдиндан маълумдир. Бунга, корхона ёки фирманинг ишлаб чиқариш дастурини қабул қилишга оид қилинган қарорлар мисол бўла олади.

Тавсияли қарорлар ўз моҳиятига кўра ташаббусли қарорларга яқин бўлиб, уларда корхона фаолиятини яхшилаш борасидаги тавсиялар ўз аксини топади.

Аниқ қарорлар тўла-тўқис ахборот мавжуд бўлган ҳолдагина қабул қилинади. Шу сабабли, бундай қарорларнинг амалга ошиш эҳтимоллиги бирга яқин бўлади.

Ноаниқ қарорлар - бу таваккал билан - тўла бўлмаган ахборотга асосланиб қилинадиган қарорлардир. Бошқача қилиб айтганда, бундай қарорлар кутиладиган натижага баҳо бериш имконияти бўлмаган ҳолларда таваккал қилиб қабул қилинадиган қарорлардир.

Тезкор (оператив) қарор кечиктирмай ижро этиш учун чиқарилади. Масалан, табиий офат содир бўлган ҳолларда уни бартараф қилиш бўйича қабул қилинган қарорлар ана шундай қарорлар туркумига киради.

Мунтазам қарорлар белгиланган муддатларда чиқарилади. Масалан, хўжалик фаолияти якунига доир қабул қилинадиган (декада, ой, йил чораги, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик) қарорлар шундай қарорларга мисол бўла олади.

Қабул қилинадиган қарорлар таркибида яккабошчилик ва якдиллик асосида қабул қилинадиган қарорлар ҳам бўлади. Аммо яккабошчилик асосидаги қарорлар кўп ҳолларда асосли танқидга учраб туради. Сабаби, раҳбар яккабошчиликка асосланган қарорни аксарият ҳолларда ўзини кўрсатиш мақсадида қабул қилади. Бундай раҳбар фаолиятининг 80-90 фоиз буйруқбозликка асосланган бўлади. Бу жамоада кескинликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бошқарув қарорлари жамоа фикрига таянган ҳолда қабул қилинмас экан, бошқарувчи билан бўйсинувчилар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви, ўзаро ишончнинг йўқолиши, низоларнинг келиб чиқиши муқаррардир.

Якдиллик кўпинча фавқулодда рўй берадиган вазиятларда қарор қабул

қилишда, шунингдек қаршилик кўрсатувчи гуруҳларда “Коалициялар” бўлмаган ҳолларда юзага келади.

Коллегиаллик(кўпчилик) тамойили “коалициялар”, яъни турли иттифок ёки бирлашмалар рўйирост маълум бўлиб турган вазиятларда, ҳар хил фикрлар рақобат қиладиган ҳолларда амал қиладди. Шу сабабли қарор қабул қилишда овозбериш йўлига ўтилади. Бундай ҳолларда қабул қилиш учун кўпчиликнинг овозига таянилади. Кўпчилик ҳолларда ярмидан кўп овоз гоҳида принципиал масалалар юзасидан меъёр 2/3 деб тасдиқланади.

Консенсус тамойили пур фикрлилик, яъни фикрлар плюралиزمи кучайган ҳамда ахборот оқими тобора кучайиб борган ҳолларда қўлланилади. Ўз моҳияти билан: **Консенсус** – бу қарорларни ишлаб чиқиш жараёнида барча бахсли масалалар ва турли-туман фикрлар юзасидан бир битимга келиш ёки келишидир.

Консенсусга ўзаро фикр алмашиш ва маслаҳат, шунингдек, илгари сурилаётган муқобил масалаларни мақсадга мувофиқлаштиришнинг ҳар хил усуллари қўллаш ёрдамида эришилади.

Стратегия – корхонанинг ресурсларини тақсимлаш ва назорат қилиш орқали белгиланган узоқ муддатли мақсадларга эришиш учун зарур бўлган амалларнинг умумлаштирувчи мажмуидир. Стратегияга ягона таъриф бериш жуда мушкул, чунки стратегия шу қадар кўп қирралики, унга салгина бошқа нуқтаи-назардан қаралса ҳам унинг мазмуни бутунлай ўзгариб кетади.

1. Стратегия – бу якуний натижага эришиш воситаси.

2. Стратегия ташкилотнинг барча қисмларини ягона бир бутунга бирлаштиради.

3. Стратегия ташкилотнинг барча асосий жихатларини қамраб олади.

4. Стратегия – бу ташкилотнинг узоқ муддатли режасидир.

5. Стратегия ташкилот режасининг барча қисмлари мослашувини таъминлайди.

6. Стратегия ташкилот фаолиятининг қуйидаги асосий саволларига жавоб бера олади: Бизнинг бизнесимиз эртага қандай бўлиши лозим?; Бугунги кунда бизнесимиз нимадан иборат?; Бизнинг маҳсулотларимиз, функциямиз, бозоримиз қандай?; Қўйилган мақсадларга эришиш учун нималар қилишимиз лозим?

7. Стратегия – бу ташкилотнинг кучли ва заиф томонларининг таҳлили, шунингдек, ривожланиш имкониятлари ва тўсиқларни аниқлаш натижасидир.

8. Стратегия – бу ташкилотнинг ташқи муҳит ўзгаришларига аввалдан режалаштирилган муносабатидир. Маълумки, стратегия тушунчаси юнонча

“strategia” сўзидан олинган бўлиб, саркардалик илми ёки санъати маъносини ифодалайди. Ҳозирда стратегия тушунчасининг замонавий таърифи қадимий маъносига яқин келсада, алоҳида жиҳатлари таҳлил қилинганда, улар орасида тафовут фарқланади. Масалан, Квин фикрига кўра стратегия кўйидагича бўлиши лозим:

1. Ишнинг пировард натижасига эришиш учун аниқ мақсадларни ифода этиш;
2. Ташаббусни қўллаб-қувватлаш;
3. Керакли вақтда ва керакли жойда асосий кучни йўналтира олиш;
4. Минимал ресурслар сарфлаб максимал натижага эришишни таъминлаш;
5. Йўналган бошқармани ифодалаш;
6. Тўғри фаолият жадвалини таҳлил қилиш;
7. Кафолатланган ресурслар билан таъмин- 327 лаш. Минцберг стратегия тушунчасини 5 та “П” деб аталмиш комбинацияси орқали изоҳлайди: а) стратегия – режа фаолияти; б) стратегия – тўсиқ, яъни ўз рақобатчиларини чалғитишга йўналтирилган фаолият; в) стратегия – фаолият кетма-кетлиги, яъни режа амалга ошмаслиги мумкин, лекин фаолият кетма-кетлиги ҳар қандай ҳолда ҳам таъминланиши лозим; г) стратегия – атроф-муҳитдаги ҳолат, яъни атрофдагилар билан алоқа; д) стратегия – истиқбол, яъни интилиш лозим бўлган ҳолатни кўра олиш

Кўникмаларни амалда қўллаш вазифаси

i. Тингловчилар 3 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳ аъзолари ўзаро келишган ҳолда ўзлари ишлаган бирор ташкилотни танлаб, ўша ташкилотнинг “миссия” сини ва “мақсадлар” ини бахс-мунозара қиладилар ва қоғозга ёзадилар.

(10-15 минут)

ii. Сўнгра гуруҳлар ўзларининг ташкилотларига ёзилган “миссия” ва “мақсадлар” ини бошқа гуруҳга беришади. Гуруҳлар ўзаро фикр алмашадилар ва қўшни гуруҳлар ёзган “миссия” ва “мақсадлар” ни танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қиладилар ва хато ва камчиликларини ёзма равишда тўлдирадилар. Бу таҳлилни тингловчилар SMART асосида кўриб чиқадилар, пастда кўрсатилган.

(15-20 минут)

S.M.A.R.T.
Мақсадлар қўйиш


- | | |
|--------------|-----------------------|
| ▪ Specific | ▪ Аниқ |
| ▪ Measurable | ▪ Ўлчаса бўладиган |
| ▪ Attainable | ▪ Эришса бўладиган |
| ▪ Realistic | ▪ Реалистик |
| ▪ Timely | ▪ Муддати белгиланган |

iii. Сўнгра ҳар бир гуруҳ қўшни гуруҳни ютуқ ва камчиликларини баён этади ва очиқ мунозарага қўяди.

(20-30 минут)

Ўқитувчига эслатма:

Тингловчилар юқоридаги машқни бажаришда яни менежмент жараёнидаги режалашда қўйидагиларни инобатга олишлари мумкин:




Амалий режа ...

- Аниқ қадамлар (қандай?)
- Ходимлар (ким?)
- Ресурслар (нима?)
- Вақт муддати (қачон?)

... мақсадларга эришмоқ учун

3. Гуруҳ машқи ва мунозара

Тингловчилар уч ёки тўрт кишидан бўлиниб гуруҳларни ташкил қилишади. Қўйидаги схемада келтирилган қизиқувчи тарафлар режа тузишга қандай таъсир этишади ва менежерлар буларни қандай ҳисобга олиши кераклигини тингловчилар ўз гуруҳларида мунозара қиладилар ва сўнгида ҳар бир гуруҳ фикрини баён этади.



АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

1. ОТМларда стратегик қарорлар қабул қилишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг.
2. ОТМларда стратегик қарорлар самарадорлигини баҳоланг.
3. Олий таълим жараёнини бошқаришда стратегик қарорлар қабул қилиш технологияларини ёритинг.

2- МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ. (2 СОАТ)

Режа:

1. Жамоатчилик назоратининг шакллари.
2. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш.
3. Жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги.
4. Жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш.

Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик назорати тўғрисидаги Қонуни 2018 йил 12 апрелда қабул қилинди⁴⁸. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқланди.

Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги;

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик назорати тўғрисидаги ЎРҚ-474-сон Қонуни. Тошкент. 2018 йил 12 прель

- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиклиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги;
- жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги.

Жамоатчилик назоратининг шакллари қудагилардан иборат:

- давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;
- давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;
- жамоатчилик муҳокамаси;
- жамоатчилик эшитуви;
- жамоатчилик мониторинги;
- жамоатчилик экспертизаси;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.
- Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари ўзининг очик ҳайъат мажлисларида жамоатчилик назорати субъектлари иштирок этиши учун шароитлар яратади.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиниши билан барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажаради.

Давлат ҳокимияти органлари тизимида кирадиган давлат органлари, корхона, муассаса ва турли ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда жавобгарлигини кучайтириш – давлат ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратининг пировард мақсади ҳисобланади. Жамоатчилик назорати натижасида давлат ҳокимияти органи раҳбарлари фаолиятидаги ўзи бўларчилик, сансоларлик, лоқайдлик каби иллатлар очиб ташланади ва уларни бартараф этиш талаб қилинади. Демократик давлатларнинг тажрибаларидан бизга маълумки, жамоатчилик назоратининг мақсади давлат органларининг ва маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини кучайтириш, давлат сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда мансабдор шахслар томонидан қонунга риоя қилиш ҳамда фуқаролар, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларининг фаолиятини самарали амалга

оширишлари учун кўмаклашишдан иборатдир.

Жамоатчилик назорати ҳақида сўз юритганда, аввало, унинг конституциявий асосларига тўхталиш жоиз. Конституциямизнинг 32-моддасига Ўзбекистон фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилишини назарда тутувчи норма киритилди. Ушбу норма мамлакатимизда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қонунчилик асосларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Қайд этиш жоизки, демократик тузумга эга давлатда давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда кенг жамоатчиликнинг иштироки талаб этилади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва унинг ҳуқуқларига риоя этишни таъминлашга қаратади⁴⁹. Шундай қилиб, демократик ҳуқуқий давлат сари бораётган ҳар қандай давлатда давлат ва фуқаро ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга асосланган юридик алоқадорлик мавжуд бўлади. Мазкур алоқалар турли демократик шакл ва усуллар орқали амалга оширилади. Ушбу муносабатлар тизимида жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этиб, айниқса, сўнгги йилларда унинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Кези келганда айтиш жоизки, жамоатчилик субъектларининг қонун ижодкорлигидаги иштирокини қониқарли, деб бўлмайди. Бундан ташқари, унинг қонунчилик асослари ҳам талаб даражасида шакллантирилмаганлиги мазкур йўналишдаги мавжуд муаммолардан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 2017 йил 12 июль куни парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида қонун ижодкорлигида ижтимоий ҳамкорликнинг муҳим бир масаласига тўхталиб ўтдилар. Яъни “Қонунларни қабул қилишда жамоатчилигимиз, сайловчиларнинг кенг иштироки сезилмаяпти. Қонунлар қабул қилиниши билан халқимизнинг оғири енгил бўлдимиз, унинг ҳаётидаги муаммолар ҳал бўлдимиз, деган саволлар билан, афсуски, ҳеч ким қизиқмаяпти. Шунинг учун ҳам қонунларни қабул қилиш жараёнида янги тизим — аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш лозим, деб ҳисоблайман”. Дарҳақиқат, ушбу таклиф рўёби қонунчиликнинг янада такомиллашувига ва ушбу жараёнда жамоатчилик назорати ўрнатилишига хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки кенг жамоатчиликнинг қонун ижодкорлигидан хабардор

⁴⁹ Yuridik fanlar axborotnomasi-Вестник юридических наук-Review of Law Sciences 1 (2017) 46-50

бўлиши ва унда ўз таклифлари билан иштирок этиши қуйидаги муҳим ҳақиқатнинг рўёбига хизмат қилади: Биринчидан, қонун ижодкорлари қонуннинг амалга оширилиши билан боғлиқ кўплаб маълумотларни тўплашга эришади ва уларни қонунларни ижод қилишда қўллаш имкониятига эга бўлади; Иккинчидан, фуқаролар қабул қилинаётган қонунлар мазмуни билан яқиндан танишади ва уларга ўз таклифларини билдирадilar. Шу орқали улар қонунлар яратилишига ҳисса қўшадилар. Учинчидан, давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасида қонун ижодкорлиги соҳасида ҳамкорликнинг ишончли механизми яратилади. Юқорида билдирилган ташаббусни жамоатчилик назоратининг қонун ижодкорлигидаги кўриниши деб баҳоласак, тўғри бўлар эди. Албатта, мазкур институт ҳам жамоатчилик назоратининг бир кўриниши бўлиб, ушбу йўналишга оид қонунчилик яратилиши билан бирга ривож топади. Қайд этиш лозимки, мамлакатимизда бир қатор жамоатчилик назоратига оид қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, жамоатчилик назорати мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлашда ва фуқароларнинг фаол позициясини намоиш этишда муҳим роль ўйнайди. Бироқ уни тушуниш ва амалга оширишнинг механизми ҳақида турли ёндашув ва қарашлар ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаш лозим.

Демократик давлатларнинг тажрибаларидан бизга маълумки, жамоатчилик назоратининг мақсади давлат органларининг ва маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини кучайтириш, давлат сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда мансабдор шахслар томонидан қонунга риоя қилиш ҳамда фуқаролар, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларининг фаолиятини самарали амалга оширишлари учун кўмаклашишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси⁵⁰да Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. ПФ-5847-сон. Тошкент, 2019 йил 8 октябрь.

ташкilot шаклидаги Республика олий таълим кенгашини ташкил этилди. Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигига ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш;

- таълим беришда юқори сифатни таъминлаш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

- олий таълим муассасалари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳолисликни таъминлаш, коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Кенгашнинг фаолияти натижалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат мажлисида йилига камида икки марта Кенгаш аъзолари билан биргаликда кўриб чиқилади, натижаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади;

Кенгашга вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмак берадилар, сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб бориши белгиланди.

Буни мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий механизми сифатида ҳам кўришимиз мумкин бўлади. Юртбошимизнинг фикрича “Жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Шунинг учун фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан

тизимини яратишга бош-қош бўлиши ва ташаббус кўрсатиши лозим.

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор.”

Шу маънода, *жамоатчилик назорати* – фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиларидан бўлиб, фуқаролик жамияти институтлари, *кенг жамоатчилик томонидан* давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан мунтазам кузатиш ва текширишни англатади. Мазкур назорат, одатда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини таҳлил қилиш, бу борадаги жамоатчилик фикрини ўрганиш, шакллантириш ва тегишлича баён қилиш орқали амалга ошади⁵¹.

Ғарб олимларининг қарашларида жамоатчилик назорати аксарият ҳолларда бирор-бир соҳада амалга ошириладиган назоратни англатади (яъни, индивидуал йўналиш ажратиб олинади). Хусусан, америкалик социолог Травис Хирски жамоатчилик назоратини, асосан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш нуқтаи назаридан талқин қилади. Унга кўра, ижтимоий сўровлар жамоатчилик назоратини шакллантиради ва аксилижтимоий характерга эга бўлган хатти-ҳаракатларни тартибга солади.⁵²

Яна бир америкалик мутахассис Рут Бенедиктнинг фикрича: “Якуний жамоатчилик назоратини кишиларнинг ўзларига ташлаб қўйишнинг ўзи кишиларга эркин ҳаёт кечиришлари учун кафолат бўла олмайди. Ўзларини эркин, демократик жамиятда ҳис этаётган, аммо кучли етакчи ёки қиролга эга бўлган жамиятлар барча фуқаролар учун умумий бўлган баъзи эркинликларни кафолатлашдек умумий хусусиятга эга⁵³”.

Кўпчилик Ғарб олимларининг таърифларида жамоатчилик назорати ижтимоий ҳамкорликнинг асосий воситаси ҳисобланади. У ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш учун хулқ-атвор, инсонлараро муносабатлар ва тартиб-интизомни назорат қилади.

Ҳар бир киши жамиятда яшар экан, мавжуд қоидалар ва қадриятларга бўйсунуш, меъёрларга амал қилишга мажбур. Айнан ана шу меъёрларнинг

⁵¹ *Қаранг:* Хакимов Р. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. // Фуқаролик жамияти”, 2010, №3, – Б.5.

⁵² Hirschi, T. Causes of delinquency. New Brunswick, N.J.: Transaction Publishers. 2002

⁵³ Benedict, R. /An Anthropologist at Work. Part 4, (1959). From a paper “Primitive Freedom, written in 1942.

амал қилиши учун жамоатчилик назорати зарур, бу ижтимоийлашувни келтириб чиқариб, ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиради ва жамиятда бирликни юзага келтиришга хизмат қилади. Жамиятда меъёрларнинг амал қилиши унинг аъзолари томонидан қабул қилинганлигини англатади. Уларга амал қилмаганларни жамоатчилик назорати аниқлайди ва жавобгарликка тортади.⁵⁴

Сиёсатшунос Ж.Ж.Руссонинг тадқиқотларига асосланилса, давлат ва жамият ўртасидаги назорат фақатгина ўзаро келишув асосида амалга оширилиши мумкин. Унга кўра, “жамиятда ижтимоий бирликнинг шундай шаклини топиш керакки, у ҳар бир аъзонинг шахси ҳамда мулкани чегаралаш ва ҳимоялашга қодир, унинг ёрдамида оммага кўшилган ҳар бир киши фақат ўз-ўзига бўйсунуши ва аввалгидек эркин бўлиб қолиши керак. Ижтимоий келишув бажарадиган асосий вазифа ана шундан иборат”.⁵⁵

Ғарбий Европа ва Скандинавия мамлакатларида, Қўшма Штатларда жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, давлат ҳокимиятининг шаффофлиги ва турли давлат институтлари ва жамиятнинг фаол иштироки тамойилларига асосланган ҳолда, уни амалга ошириш учун жуда кенг воситадир.

Россия Федерациясида "жамоатчилик назорати" тушунчасига энг яқини Скандинавия мамлакатларида парламент жамоатчилик назорати тушунчасидан келиб чиқади: Финляндия, Норвегия, Дания давлатларида ҳам худди шу тенденцияни кўриш мумкин.

Скандинавия мамлакатларида жамоатчилик назорати муваффақиятли халқаро амалиёт давлат назоратчи унинг турли қаршида бутун жамият бўлиши керак, деб таклиф қилади, тарвақайлаб муассасалари: бизнес ва касаба уюшмалари, миллий, ёшлар ва фахрийлари, инсон ҳуқуқлари ва истеъмол ташкилотлари, давлат бошқаруви турли соҳаларда, шунингдек, жамоат ташкилотлари.

Россиялик соҳа мутахассиси И.Ивановна, “...жамоатчилик назорати барча муаммоларни ҳал қила олмайди, лекин бу кўплаб муаммоларни ҳал қилиш учун шароит яратади ва давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлиги ва ошкоралигини оширишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади. Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳал қилувчи ё'налиши бўлиб, унинг иштирокисиз демократик, адолатли давлат қуриш ва иқтисодиёт ва жамиятни

⁵⁴ Umar Farooq. What is Social Control Meaning Definition and Characteristics. Studylecturenotes.Com. Saturday, 10 March 2012.

⁵⁵ Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре. Трактаты / Пер. с фр. –М.: "КАНОН-пресс", "Кучково поле", 1998. – С. 416.

модернизатсия қилишни амалга ошириш мумкин эмас,” дейди.

Бундан ташқари, “жамиятнинг ҳокимият устидан назорат ўрнатишга кодирлиги – фуқаролик жамиятининг белгисидир. Фақат ҳуқуқий шаклга эга бўлган назоратгина ҳокимиятни ҳуқуққа бўйсундиради ва фақат фуқаролик жамияти шароитидагина давлат “ҳуқуққа тобе” бўлади ва “ҳуқуқий давлат” мақомига эга бўлади.”⁵⁶ Бундай фикрлар ҳуқуқий давлатчилик барпо этаётган Ўзбекистон Республикаси учун жамоатчилик назорати тўғрисида қонун қабул қилиш тўғрисидаги ташаббуснинг нақадар муҳимлигини намоён этади.

Ўзбекистонда демократик ислохотларга асос бўлаётган давлат ва жамиятни модернизациялашнинг яна бир ўзига хос йўли бошланди.

Аввало, шунини таъкидлаш керакки, Бош Қомусимизнинг 32-моддасида фуқаролик жамиятида жамоатчилик назорати “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади”⁵⁷ тарзида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам эркин фуқаролик жамиятида давлат бошқаруви органлари ва аҳоли орасидаги мулоқот шакллари хусусида сўз борар экан, фуқаролик жамиятида “Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари, яъни нодавлат ва ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, бу ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш”⁵⁸ зарурлиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

Жамоатчилик назоратининг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд:

биринчидан, жамоатчилик назорати жамият аъзоларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини умумий ижтимоий иродага жипслаштирган ҳолда жамият

⁵⁶ Лучин В.О. Конституционный строй России: основные политико-правовые характеристики // Право и политика. 2006. №10. – С. 27–31.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2014

⁵⁸ Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари./Нашрга тайёрловчилар: М.Бекмуродов, Қ.Қуронбоев, Л.Тангриев. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.

ёки унинг алоҳида институтларига таъсир кўрсатиш шакли сифатида намоён бўлади;

иккинчидан, жамоатчилик назорати турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини мувозанатлаш ва бу манфаатларнинг ўзаро тўқнашувига йўл қўймасликнинг асосий воситаси ҳисобланади;

учинчидан, энг долзарб масалаларни ҳал этишда жамиятнинг истак ва интилишларини бирлаштириш ҳамда мувофиқлаштиришнинг усули ҳисобланади;

тўртинчидан, жамоатчилик назорати ижтимоий меъёрларнинг бажарилишини кафолатлайди, қонунбузарликларни аниқлаб, уларни қоралашдан, то мажбурий чоралар қўллашни таъминлашгача бўлган фаолиятни амалга оширади;

бешинчидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳар қандай жамиятга хос бўлган ваколат бўлиб, унинг асосий институтларидан бири ҳисобланади.⁵⁹

Ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари, кенг жамоатчилик жамоатчилик назоратининг ижобий ва салбий характерда намоён бўлиши ҳам мумкинлиги эътироф этишадилар.

Ижобий кўринишдаги назорат жамият томонидан у ёки бу хатти-ҳаракатни тан олиш, улуғлаш, ташвиқ қилиш тарзида амалга оширилса, иккинчи тарафдан, салбий хатти-ҳаракатларни қоралаш, жазолаш, қаҳр-ғазаб кўринишида амалга ошириладиган назорат салбий характерда намоён бўлади⁶⁰.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

1. Жамоатчилик назоратини олиб бориш йўналишлари.
2. Самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш, ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш.
3. Таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг янги босқичга кўтаришга оид масалаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.

⁵⁹ Гончаров В., Ковалева Л. Об институтах общественного контроля органов исполнительной власти в Российской Федерации // Власть. 2009. № 1. – С. 72.

⁶⁰ Маматов. Ф. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик назорати ва давлат ахборот сиёсатининг уйғунлиги (Ўзбекистон Республикаси мисолида)/ Сиёсий фан.бўйича фалс.док. илмий дараж.олиш учун ёзилган дисс. – Т.: 2020. –148 б. Б. 109.

V. ГЛОССАРИЙ

V. ГЛОССАРИЙ

Атама	Ўзбек тилидаги шарҳи
Аҳолининг ижтимоий фаоллиги –	ижтимоий онгнинг кишилик жамияти сиёсий фаолиятига тегишли бўлган табиий эҳтиёжини белгиловчи ҳолат.
Жамоат бирлашмалари –	Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари ва ихтиёрийлик асосида вужудга келган нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкилий ҳуқуқий шаклларида бири.
Жамоат фонди –	фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкый бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни қўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқий шаклларида бири.
Жамоатчилик мониторинги	Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш жамоатчилик мониторингидир.
Жамоатчилик муҳокамаси	Ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш жамоатчилик муҳокамасидир.
Жамоатчилик назорати –	жамоат назорати ривожланган фуқаролик жамияти кўрсаткичи сифатида демократик ва ҳуқуқий давлатнинг зарурий хусусияти бўлиб, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган фаолиятдир.
Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги –	демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим шартидир. Айнан жамоатчилик назорати орқали фуқаро ва жамоат тузилмалари жамият ҳаётидаги муаммоларнинг ечимини топишга эришадилар. Жамоатчилик назорати институти жамият ҳаётидаги камчиликларни бартараф этиш, фуқаролик жамияти барпо этишнинг, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни ташкил этишнинг муҳим воситаси.
Жамоатчилик фикрини ўрганиш	Жамоатчилик фикрини ўрганиш турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият

	манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир.
Жамоатчилик экспертизаси	Жамоатчилик экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир.
Жамоатчилик эшитуви	Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувидир.
Касаба уюшмаси –	ихтиёрийлик асосида тузилган нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.
Коррупция —	шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш
коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик —	коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш
Қонун —	Ўзбекистон Республикасида энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган масалалар бўйича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинадиган олий юридик кучга эга бўлган норматив ҳужжат.
қонун ости ҳужжатлари —	Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари
Назорат –	ҳокимият фаолияти жараёнидаги асосий функциялардан биридир, фуқаролик жамияти институтлари жамоат назоратини амалга оширишга қаратилган фаолияти орқали давлатга нисбатан ўзига хос таъсир кучи яратадилар. Бир сўз билан айтганда, жамоат ташкилотлари сиёсий ва ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши масалаларига ҳамда қабул қилиниши назарда тутиладиган қонун лойиҳалари ва

	хукумат қарорларига ўз муносабатини билдириши орқали жамоатчилик назоратини амалга оширадilar.
Нодавлат ногажорат ташкилоти -	жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.
Норматив-хуқуқий ҳужжатлар —	умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида хуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.
Норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар —	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади
Стратегик бошқарув -	бу таълим муассасасининг стратегик мақсади йўналишида муассаса имкониятларини педагогик ходимларнинг умумий манфаатлари билан мувофиқлаштиришни назарда тутувчи узок муддатга тузилган дастур, режа ва лойиҳалар асосида бошқаришдир.
Стратегик кўра билиш -	ташкilot ривожланиш йўналиши келажагини кўра билиш
Стратегик қарор -	бундай турдаги қарорлар таълим муассасаси олдига қўйилган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этиб, унда муассасанинг узокқа мўлжалланган ривожланиш вазифалари ва мақсадлари белгиланади. Стратегик қарорларни қабул қилишда таълим муассасасининг истиқболли ҳаракат дастури асос қилиб олинади.
Стратегик менежмент жараёни -	ташкилий атрофмуҳитнинг мураккаблиги ва ўзгарувчанлиги шароитида корхона олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун кетма-кетликдаги чораларнинг мажмуи бўлиб, бу жараён орқали корхона ўз салоҳиятини оптимал даражада ишлатиш ва ташқи атроф-муҳит ўзгаришларига мослашиш имкониятига эга бўлади.
Стратегик назорат ва тартибга солиш -	корпорация эришган ҳолатининг таҳлили ва баҳолаш жараёни бўлиб, пировардида стратегик мақсадларга тўлиқроқ эришишни ташкил этишдан иборат.
Стратегик режа -	бу муассасада таълим тизимини ривожлантириш, таълимтарбия жараёнида кўзланган мақсадларга эришиш - рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш йўналишида узок (уч, беш, ўн йил ва ундан кўпроқ муддатларни ўз ичига олади) муддатларга мўлжалланган вазифаларни ўз ичига олган дастур (истиқбол режа) бўлиб, у таълим муассасасининг ҳамда раҳбар ходимларнинг йиллик ва жорий режалари учун асос сифатида

	хизмат қилади.
Стратегик режалаштириш –	таълим муассасасининг мақсадларидан келиб чиқиб амалга ошириш зарур бўлган вазифаларни белгилаш, мазкур вазифаларни амалга ошириш учун бошқарув функциялари, методлари ҳамда мақсадларини аниқлаш ва амалга ошириш юзасидан стратегик режалар ишлаб чиқиш жараёни бўлиб, бунда мақсад ва вазифаларнинг илмий асосланганлиги, белгиланган муддатларнинг аниқлиги ва объективлиги, ижрочиларнинг билими ва касб маҳорати, ташқи муҳит таъсири, фан-техника ва технологияларнинг ривожланиши, муассаса имкониятларини ҳисобга олиш.
Стратегик режалаштириш –	корхонанинг стратегик ҳолатларини таҳлил қилиш орқали корхонанинг стратегиясини аниқлаб олиш жараёни бўлиб, бунда рақобатбардошлик афзалликларини молиялаштириш ва ривожлантириш, унга эришиш ва сақлаб қолишга олиб келувчи ички ва ташқи омиллар тадқиқ қилинади.
Стратегик фикрлаш –	раҳбарнинг таълим мазмунини такомиллаштиришдаги тенденция, мавжуд ва кутилаётган (ички ва ташқи) самаралар, шунингдек, рақобатчилар билан солиштириганда муассасанинг кучли ва ожиз томонларини таҳлил қила олиш қобилияти.
Стратегия –	ташкilot мақсадига эришиш учун интилувчи раҳбарнинг ҳаракат тарзи.
Стратегияни амалга ошириш –	қабул қилинган стратегияни амалга ошириш, уни бажаришни қўллаб-қувватлаш ва белгиланган натижаларга эришиш билан боғлиқ бошқарув фаолиятининг тўла мажмуи.
Фуқаролик жамияти –	муайян ижтимоий тизим, унда шахсга иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинлик кафолатланади. Фуқаролик жамиятида умуминсоний ҳуқуқлар таъминланади ва сиёсий турли фикрлилик ўрнатилади. Фуқаролик жамиятида давлат фаолияти юзасидан фуқароларнинг тўла назорати ўрнатилади, давлатнинг кўпгина вазифалари маҳаллий жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат бирлашмаларига, нодавлат ташкilotларига ўтади.

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. // «Халқ сўзи», 2014 йил 15 январь.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. // «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>.

6. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbirkor халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, <http://uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.488.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрда мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувида сўзлаган нутқидан.// Халқ сўзи, 2016 йил 31 декабрь.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2018.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. –Т.: 1997.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”– Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни 2014 йил 5 май ЎРҚ-376 –сон.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони .

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 - сонли Фармони. Тошкент “Адолат” 2017 й. www.lex.uz.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сонли қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3775-сонли қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 20.04.2017 йил.№ ПҚ-2909 - сонли Қарори

26. 10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли Қарори

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июльдаги № ПҚ 3151 – сонли Қарори

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

29. 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарори.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармони // www.lex.uz.

32. 14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар:

20. Агранович М.Л. Индикаторы достижения целей устойчивого развития в сфере образования и национальная образовательная политика. Ж.: Вопросы образования. № 4. 2017 г., С.242-264. 1814-9545eISSN: 2412-4354.

21. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. –Т.: Фан, 1999.

22. Verneys E. L. The Later Years. Public Relations Insights 1956-1986.-Rhinebeck: Free Press, 1986.

23. Околеснова О.А. Общественный контроль: информационно-правовые проблемы теории и практики: монография / О.А. Околеснова. - М.: Руслайнс, 2014. - 144 с.

24. Тайхлер Ульрих. Многообразие и диверсификация высшего образования: тенденции, вызовы и варианты политики. Ж.: Вопросы образования. № 1. 2015 г., С.14-38. 1814-9545eISSN: 2412-4354.

25. Холов А. Х. Бошқарув қарорлари қабул қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш масалалари. Ж.: Жамият ва бошқарув. 2017 йил, № 2, 47 Б.

26. Холиқов Қ. Жамоатчилик фикри: у қандай шакллантирилади? //Фидокор, 2005, 28 июнь.

27. Чумиков А.Н. Связи с общественностью. –М.: Дело, 2000. – С.17.

28. Блэк С. Введение в публик рилейшнз. Ростов-на-Дону, 1998. –С. 33-35.

29. Participation of Citizens in Local Public Life, report by the Steering Committee on Local and Regional Democracy (CDLR) prepared with the collaboration of Professor Gerry Stoker, adopted by the CDLR at its 25th meeting, 7-9 June 2000/ Local and Regional Authorities in Europe.

30. Гаффоров Н., Мадаева Ш., Махмудов Р. – Олий таълим муассасаларида таълим-тарбия самарадорлигини оширишда фуқаролик

жамияти институтларининг фаолияти мазмуни. Монография. Т.Иқтисод-молия. 2017.

31. Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович, Таълим муассасалари бошқарувининг самарадорлигини боҳолашдаги ёндашувлар ва усуллар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил.

32. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим тизимини бошқариш. -Т.: “Турон-Иқбол”: 2006. – 592 б.

33. Холов А.Х. Assessing the effectiveness of management decisions of local executive authorities. // Journal of Management Value & Ethics /Approved List Journal S.No. 1 & 63148. Jan-March. 18 Vol. 8 No.1 90-97 P.

34. Холов А.Х. Бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усуллари ва раҳбар масъулияти. Монография. –Т.: «Tafakkur-qanoti» нашриёти, 2017. -224 бет.

35. Холов А.Х. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг назарий-методологик масалалари 2-жилд. Ўқув кўлланма (хаммуаллиф). –Т.: «Spectrum media group» нашриёти, 2015. - 224 бет.

36. Холов А.Х. Жамоатчилик назорати –ахлоқ кузгуси. // ЎЗМУ хабарлари, 2011. 6-сон. 187-190 бетлар.

37. Холов А.Х. Менежмент фани ривожда бошқарув қарорлари қабул қилишнинг психологик усуллари аҳамияти. // «Фан ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни» республика илмий-назарий конференция материаллари тўплами. –Т.: ЎзЁИ, 2017 йил 24 ноябрь. 533-537 бетлар.

38. Холов А.Х. Оценка эффективности управленческих решений. Монография. Lambert Academic Publishing, Beau Bassin 2018 // <https://www.lap-publishing.com> – 54 стр.

VI. Интернет маълумотлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳукумати портали: www.gov.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси www.Lex.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг сайти. www.edu.uz

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси вебсайти: www.parlament.gov.uz.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қонун ҳужжатларида касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланиши мумкин.

Референдумларга, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек муҳофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, суд ишларини юритиш, жазоларни ижро этиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3-модда. Жамоатчилик назорати субъектлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом.

4-модда. Жамоатчилик назоратининг объекти

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга;

ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазибалар ва функцияларни бажаришга;

давлат хизматларини кўрсатишга;

ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объектидир.

5-модда. Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари

Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;

жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиклиги;

жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги;

жамоатчилик назорати натижаларининг ишончилиги;

жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги.

6-модда. Жамоатчилик назоратининг шакллари

Жамоатчилик назоратининг шакллари қуйидагилардан иборат:

давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;

давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;
жамоатчилик муҳокамаси;
жамоатчилик эшитуви;
жамоатчилик мониторинги;
жамоатчилик экспертизаси;
жамоатчилик фикрини ўрганиш;
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

7-модда. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар

Жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга сўровлар юборишга ҳақли.

Жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари ва сўровлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари томонидан кўриб чиқилади.

Жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан кўрикланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.

8-модда. Давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш

Жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари ўзининг очик ҳайъат мажлисларида жамоатчилик назорати субъектлари иштирок этиши учун шароитлар яратади.

9-модда. Жамоатчилик муҳокамаси

Ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш жамоатчилик муҳокамасидир.

Жамоатчилик муҳокамасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ва очик ўтказилади. Жамоатчилик муҳокамасининг иштирокчилари жамоатчилик муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли. Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамасининг ташкилотчиси жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалалар, муҳокамани ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик муҳокамасининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

10-модда. Жамоатчилик эшитуви

Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувидир.

Жамоатчилик эшитувини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик эшитуви турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик эшитуви оммавий ва очик ўтказилади. Жамоатчилик эшитувининг иштирокчилари жамоатчилик эшитувига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли.

Жамоатчилик эшитувининг ташкилотчиси жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалалар,

эшитувни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик эшитувининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

11-модда. Жамоатчилик мониторинги

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш жамоатчилик мониторингидир.

Жамоатчилик мониторингини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик мониторинги оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик мониторинги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик мониторингининг ташкилотчиси жамоатчилик мониторингининг объекти, уни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади.

12-модда. Жамоатчилик экспертизаси

Жамоатчилик экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир.

Жамоатчилик экспертизасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.



LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги ЎРҚ-409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни 24-моддасининг биринчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-408-сон «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни 22-моддасининг биринчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги 754-ХП-сон «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддаси.

Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жамоатчилик асосида жалб этиши ҳам мумкин.

13-модда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш

Жамоатчилик фикрини ўрганиш турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир.

Жамоатчилик фикрини ўрганишни нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиши мумкин.

14-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш

Фуқаролар йиғини:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини;

ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини;

тегишинча оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотини;

тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисоботларини эшитади.

15-модда. Жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Жамоатчилик назорати субъектлари:

жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишга,

уларни ташкил этишга, шунингдек уларда иштирок этишга;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларидан сўраб олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга;

давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилишга;

жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир.

Жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Жамоатчилик назорати субъектлари:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши;

давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги;

фуқароларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштишга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг махфийлигига риоя этиши шарт.

Жамоатчилик назорати субъектларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

16-модда. Давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Давлат органлари:

жамоатчилик назорати субъектларидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида ва унинг натижалари ҳақида ахборот олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра тайёрланган якуний ҳужжатларда кўрсатилган таклифлар ва тавсияларга нисбатан асосланган эътирозларини жамоатчилик назорати субъектларига юборишга;

ўзи амалга ошираётган фаолият устидан жамоатчилик назорати масалаларига доир ахборотни ўз расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришга;

жамоатчилик назоратини ўтказиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари:

жамоатчилик назорати субъектларига жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши;

ўзига жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган мурожаатлар ва сўровларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши, мурожаатларга ва сўралаётган ахборотга жавоблар тақдим этиши, бундан давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ёхуд топширилиши жамоат тартибига ва фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган маълумотлар мустасно;

жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиши шарт.

Давлат органларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17-модда. Жамоатчилик назоратининг натижалари

Жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёхуд

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда яқуний ҳужжат тайёрланиши мумкин.

Яқуний ҳужжат ахборот ва тавсия хусусиятига эга бўлади.

Яқуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади.

18-модда. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

19-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

20-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

21-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,

2018 йил 12 апрель,

ЎРҚ-474-сон

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон)